

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪМУРИЙ  
ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ  
КОДЕКСНИНГ 104-МОДДАСИГА  
ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 23 апрелда  
қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015 – XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) **104-моддасига** қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

**биринчи қисмнинг санкциясидаги** «учдан бир қисмидан бир бараваригача» ва «иккидан бир қисмидан икки бараваригача» деган сўзлар тегишинча «бир бараваридан уч бараваригача» ва «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмнинг санкциясидаги** «иккидан бир қисмидан икки бараваригача» деган сўзлар «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмнинг санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараваригача» ва «уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар тегишинча «беш бараваридан етти бараваригача» ва «беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Тошкент шаҳри,

2009 йил 6 октябрь

№ ЎРҚ – 227

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИДАНИЯДА БЎЛИБ ЎТГАН ЭРКИН ВА ЮНОН-РУМ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА  
ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН СПОРТЧИ  
ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Эркин ва юнон-рум курашлари бўйича жаҳон чемпионатида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга ҳамда ўзбек спорт мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»**

**Соҳиев Заурбек Маирбекович** — «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг спортчи-йўриқчиси, эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»**

**Арипов Дилшод Ҳакимжанович** — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар Ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими терговчиси, юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтиришга, мамлакатимизда истеъдодли ёш спортчиларни тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тар-**

**биялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Мансуров Дилшод Иسمатович** — «Ёшлик» кўнгилли спорт жамиятининг эркин кураш бўлими мураббийи, эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Фаткуллин Камил Махмудович** — Яккама-якка кураш бўйича Республика

олий спорт маҳорати мактабининг юнон-рум кураши бўлими катта мураббийи, юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ**

**БИЛАН**


**Джақсиликов Нурлан Ибрагимович** — Яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи, эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,

2009 йил 7 октябрь

И. КАРИМОВ



Қиш тайёргарликни ёқтиради. Буни яхши билган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ 18-ҲҲҚ ходимлари ҳудудда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун бор имкониятларни ишга солишяпти. Шу билан бирга, ҳозирда мавжуд техникаларни қишқи мавсумга тайёрлаш қизғин паллага кирган.

**Суратда: 18-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиғи ўринбосари, капитан Д. Юлдашев ходимлар билан йўриқнома ўтказмоқда.**

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси қонунларини ОАВларида тарғиб қилиш масалалари» мавзусига бағишланган семинар ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, ҳуқуқ-тартибот идораларининг матбуот хизмати вакиллари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, Электрон оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Семинарда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларидаги янгилашни одимлари ва шиддатлари, мамлакатда сиёсий, ижтимоий,

иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар Олий Мажлисининг қонунчилик фаолиятида ҳам акс этганлиги, қисқа даврда миллий кадрларимиз ва жаҳон тажрибаси асосида мамлакатимиздаги ислохотларни ўз вақтида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган миллий қонунларимиз вужудга келганлигини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, мамлакатимизда икки палатали парламентнинг жорий этилиши, миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш имкониятларини бергани ва қонунларимизнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта бўлаётганлиги, бу борадаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш масалалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

(Давоми 2-бетда).

## ХАБАР

ЗАМОН БИЛАН  
ҲАМНАФАС

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг яқинда босмадан чиққан навбатдаги 3-сонидан шу куннинг нафаси уфуриб турибди. Унинг саҳифаларидан мустақиллигимизнинг 18 йиллиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларга бағишланган туркум мақолалар ўрин олган.



«Истиклол эл-юртимиз ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз кадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириши учун улкан имкониятлар яратиб берди. Истиклол мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси

иқтисодий-ижтимоий соҳаларда ўзининг истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этишга кенг йўл очди», – дейилади журналнинг бош мақоласида. Фалсафа фанлари доктори, профессор Бахти Очило-

ва эса демократик жамиятда давлат билан халқ ҳокимиятчилигининг бошқа институтлари ўртасидаги муносабатлар, алоқалар ҳақида мулоҳаза юритади.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН



## ҲАФТА ИЧИДА

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4-5 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Уммон Султонлигида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Уммон Султони Қобус бин Саид иштирокидаги учрашув чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Уммон Султонлигига давлат ташрифи якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди. Томонлар Тошкентда ва Масқатда ўз элчихоналарини очиш хусусида келишиб олди. Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармоя каби соҳаларга оид ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Масқат шаҳридаги Султон Қобус масжиди ва Уммон Қуролли Кучлари Султонлик музейини бориб кўрди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 октябрь куни Оксаройда Швейцария Конфедерациясининг Федерал маслаҳатчиси, Федерал ташқи ишлар департаменти раҳбари Мишлин Кальми-Рэй хонимни қабул қилди. Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликка оид турли масалалар, шунингдек, долзарб халқаро сиёсий ва минтақавий муаммолар муҳокама этилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2009 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ҳужжатлар, жумладан, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича кун тартибига қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.**

● **Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да нашриёт-полиграфия саноати, реклама, этикетка ва картон қоғоз ишлаб чиқариш бўйича учта халқаро кўргазма – «O'ZBEK in PRINT», «O'ZUPAK», «O'ZREKLAMA» халқаро кўргазмалари иш бошлади. Ўн биринчи марта ўтказилаётган ушбу халқаро кўргазмада мамлакатимизнинг олтидан зиёд ҳамда йигирмадан ортқ хорижий компания янги матбаа маҳсулотлари, ускуналари, технологиялари билан иштирок этмоқда.**

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Аловуддин Фахриддинович **ФАХРИДДИНОВ**.

Аловуддин Фахриддинович Фахриддинов 1975 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1996 йилда Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ИИБ терговчиси лавозимидан бошлаган. 1998-2008 йилларда Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси терговчиси, Собир Раҳимов тумани ИИБ тергов бўлими бўлима бошлиғи, Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси бўлим бошлиғи, республика ИИБ Тергов бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган, 2008-2009 йилларда ИИБ ҳаракатдаги резервида бўлган.



Тошкент вилояти Пскент тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Алижон Мелибоевич **ШАМСИЕВ**.

Алижон Мелибоевич Шамсиев 1966 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1987 йилда Тошкент вилояти Янгийўл тумани ИИБ саф қисмлари милиционери лавозимидан бошлаган. 1988-2009 йилларда Янгийўл тумани Гулбаҳор ШМБ саф қисмлари милиционери, Янгийўл тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, Халқобод ҚМБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, Халқобод ҚМБ бошлиғи, Янгийўл тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонунчилик палатасига ўтган тўрт ярим йилда 278 та қонун лойиҳаси келиб тушди. Улардан 213 таси Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан имзоланди ва матбуотда эълон қилиниб, қучга кирди. Шунингдек, Қонунчилик палатаси 227 та назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширди ва 592 та тадбир (94 та конференция, 209 та семинар ва 289 та давра суҳбати) ўтказилди. Ушбу фаолиятлар марказий ва маҳаллий газета-журналларда, телевидение ва радио дастурларида кенг тарғиб қилинди.

Дарҳақиқат, Қонунчилик палатаси ўтган йиллар ичида ОАВлари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйди. Бу борада Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси информацион дастурларида Олий Мажлис фаолиятини мунтазам ёритишни йўлга қўйган. «Парламент соати», «Парламент вақти» номли махсус кўрсатув ва эшиттиришлар бунга мисол бўла олади. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари «Олий Мажлис Қонунчилик палатасида», «Депутат минбари» рукнида туркум мақолалар бериб келмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашрлари «Постда», «На посту» газеталари ҳамда «Қалқон» ва «Щит» журналларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан эълон қилинаётган мақолалар қонунларнинг мазмун моҳиятини кенг ўқувчилар оmmasига етказишда муҳим аҳамият касб этапти. Бу Қонунчилик палатаси депу-

татлари билан ОАВлари ўртасидаги ҳамкорликнинг самараси бўлиб, унга журналистлар билан бирга депутатлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Журналистлар фуқароларни янги қонунлар, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти ва тадбирлар билан мунтазам таништириб боришади. Шунингдек, улар ОАВда мунтазам равишда депутатларнинг чиқишларини уюштиришлар. Унда депутатлар билан аҳолини доимий равишда таништириб, қонунларга шарҳлар бериб, изоҳлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб борадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, журналистларимиз қонунчилик фаолиятини ёритишда асосан журналистиканинг хабар, интервью жанрларидан фойдаланишяпти. Жанрлар хилма-хиллигини таъминлашга, қонунларнинг мазмун-моҳиятини янада кенгрок очишга қаратилган муаммоларни мақолаларни кўпайтиришни эътиборга олишлари керак. Шунингдек, мақолаларда журналист нуқтаи назари ҳаммаши ҳам кўринавермайдди. ОАВларида қонунларни тарғиб этиш ва бу борада Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликни янада такомиллаштиришнинг кенг имкониятлари мавжуд.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси қонунларини ОАВларида тарғиб қилиш масалалари юзасидан олиб борилаётган ишлар юзасида ўзаро фикр алмашдилар ва бу борада парламент билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳақида келишиб олишди.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ,**  
«Постда» мухбири.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

## ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларни дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Бугунги кунда аёлларимиз жамиятда ўз ўрнини топиб, турли жабҳаларда давлатимиз тараққиёти учун меҳнат қилишяпти. Аммо айрим хотин-қизлар ўзларига яратилган шарт-шароитлар, ҳуқуқ ва имтиёزلардан кўз юмиб жиноят кўчасига кириб қолишяпти. Бағрикенглик, кечиримлилик халқимизга хос бўлган юксак фазилатлардир. Билиб-билмай ҳуқуқбузарлик, қонунбузарлик қилиб қўйганларнинг айбини афв этиб, уларнинг яна жамиятда ўз ўрнини топишига имконият яратиб берилади. Бундай эзгу ишлар умумдавлт миқёсида амалга оширилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг тақдимномасига биноан республика Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганли-

гининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори фикримизга далилдир. Бу Қарор давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг умумэътироф этилган тамойилларга содиқлигини намоён этди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик намунаси бўлган ушбу Қарорга мувофиқ кўплаб юртдошларимиз жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинади, жиноят иши юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари тўхтатилади. Бир сўз билан айтганда, жиноят содир этган фуқароларнинг айби кечирилади. Улар жамият учун фойдали ишлар билан шуғулланиб, давлатимизнинг иқтисодиётини юксалтириш ишига ҳисса қўшишга имкон яратилди.

Жойларда Олий Мажлис Сенатининг Қарори ижросини таъминлаш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Республика ИИБ

ЖИЭБга қарашли подполковник З. Мирсамукова бошлиқ жазони ижро этиш муассасасида бўлиб ўтган тадбир фикримизнинг далилидир.

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди раиси Д. Иззатов расолигида ўтказилган суд мажлисида қарор бандларига асосан бир гуруҳ маҳкумалар озод этилди. Суд қарори ўқиб эшиттирилганда уларнинг кўзларида ёш қалқиди.

Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБ тасарруфидаги полковник Ж. Абдуллаев бошлиқ жазони ижро этиш муассасасида ҳам амнистия муносабати билан бир гуруҳ маҳкумлар уйларига кузатилди. Ушбу инсонпарварлик акти жиззахлик А. Каримов, хоразмлик Б. Атамуратов, фарғоналик Ж. Ирисов, самарқандлик Ф. Ходжаев ва бошқаларга озодликка чиқиш имкониятини берди.

Тадбирда жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг раиси Р. Тулаев ва Қарши махсус прокурори К. Қурбонов иштирок этди. Муддатидан олдин жазодан озод этилган маҳкумлар манзилларига етиб боришлари учун Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё ва бошқа йўналишлар бўйича автотранспортлар ташкил этилди.

**Соҳибжамол АМИНОВА.**

## ХАБАР

## ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилган эди. Жамолдин Ҳақимов «Ўзбекистонда мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш истиқболлари» номли мақоласида ушбу фонднинг истиқлол йилларида миллий матбуотимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг қамровли фаолиятига тўхталиб, кўплаб мисоллар келтирган.

Маълумки, шу йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг чиқиши мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий кафолатлари масалаларига бағишланган.

Нурдинжон Исмоиловнинг «Сайлов тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида» мақоласи ушбу мавзунини мантиқан давом эттиради, дейиш мумкин. Абдуқаҳор Тўхтаев эса азим пойтахтимиз, Бош кентимизнинг иқтисодий салоҳияти, тарихий обидалари, унинг 2200 йиллик қутлуг тўйи муносабати билан амалга оширилган ва оширилаётган ишлар ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилади.

Журналнинг аъъанавий «Ҳуқуқ масалалари» рукни остида Санжар Низомовнинг «Жиноий жавобгарликдан озод қилиш хусусиятлари», Аҳмаджон Исмоиловнинг «Инсон ҳуқуқлари: халқаро ва хорижий тажриба билан танишув», Холида Саидованин «Маҳалланинг ҳуқуқий асоси» мақолалари берилган. Шунингдек, нашр саҳифаларидан анжуманлар, тақдимотлар ҳақидаги хабарлар ўрин олган. Журналда эълон қилинган «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» ижодий танлови ушбу мавзуда қалам тебратувчи ижодкорларда катта қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

## ФАРМОН ВА ИЖРО

Мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Жумладан, ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили шу кеча-кундузда Ўзбекистон Республикаси ИИБда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси, ЖИЭББ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБларда эса унинг бўлим ва бўлиналари ташкил этилган эди. Ҳўш, мазкур бўлим ва бўлиналарнинг фаолияти қандай кечаяпти? Улар қандай ишларни амалга оширишмоқда? Яхшиси, Навоий вилояти ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлини фаолиятини таҳлил қилиб кўрайлик.

Бўлим ходимлари вилоят ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини

# БЎЛИНМАДА ИШ ҚИЗГИН

таъминлаш бўйича мониторинг ўтказиб унинг натижаларига кўра бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишмоқда. Маълумки, фуқаролардан келиб тушадиган ариза ва мурожаатларни ўз вақтида, ҳолисона кўриб чиқиш ҳам ички ишлар идораларининг энг муҳим вазифаларидан саналади. Шунинг учун ҳар ўн кунда бу кўрсаткичлар таҳлил қилиб борилапти. Бунда айниқса, ариза ва мурожаатларни кўриб чиқувчи ходимларнинг ўзлари қонунбузарликларга йўл қўймасликлари зарур. Шу боисдан бўлим ходимлари жойлардаги ички ишлар идоралари шахсий таркибининг ҳуқуқий билимларини чуқурлаштиришга қаратилган семинар ва тренинглар ўтказишмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги якунлари бўйича, май ойида суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилган ислохотлар ва

тергов идоралари фаолиятининг такомиллашуви, август ойида одам савдосига қарши кураш борасидаги тадбирлар, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика инспекторлари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигига бағишланган матбуот анжуманлари ташкил этилди. Шунингдек, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар, муаммо ва таклифлар, ички ишлар идоралари ишонч телефонларининг аҳамияти мавзусида ҳам оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилинди. 2009 йил якунига қадар бўлим ходимлари томонидан яна уч мартаба соҳавий хизматлар вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказиш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, кўпчилик олдига чиқиб, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, бу борадаги аҳволни таҳлил этиш учун кишининг ўзи пухта би-

лимга эга бўлиши лозим. Шу сабабли бўлинмада инсон ҳуқуқларига оид алоҳида кутубхона ташкил этилган. Шу ерда мавжуд компьютерларга амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг электрон варианты ўз вақтида жойлаштирилмоқда.

Вилоят прокуратураси, адлия бошқармасининг тегишли бўлимлари, Омбудсманнинг вилоят бўйича минтақавий вакили, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг ҳудудий ахборот-таҳлил маркази билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан яратилган шарт-шароитларга ҳам боғлиқ. Вазирлик ва вилоят ИИБ раҳбарияти буни ҳисобга олиб, бўлинма ходимларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур барча қулайликларни яратган. Уларга етарли хизмат хоналари ажратилиб, тўлиқ компьютерлаштирилган. Жойларда турли тадбирларни ўтказиш учун хизмат автомашинаси ажратилган. Бу эса бўлинма ходимларининг ўзларига кўрсатилаётган гамхўрликлардан руҳланиб, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ўз фаолиятларини янада такомиллаштиришларида муҳим аҳамият касб этади.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

Навоий вилояти

## ЖАҲОН



## АЙВонида ВАКОЛАТХОНАЛАР ЁПИЛДИ

Исломобод шаҳридаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури биносидан портлаш юз бергач, халқаро ташкилот Покистоннинг Карачи, Музаффаробод, Пешовар ва Кветте шаҳарларида фаолият олиб бораётган барча ваколатхоналарини ёпишга қарор қилди.

Полиция маҳкамасининг хабарига кўра, бомба портлаган жойда БМТ ваколатхонаси ходимларидан уч нафар ироқлик ва икки нафар покистонлик қурбон бўлган. Портлашни ҳеч қайси террорчи гуруҳ бўйнига олмаган.

## ТАБИЙ ОФАТ

Ҳиндистонда муссон ёмғирлари натижасида сув тошқинлари келиб чиқди. Айниқса, мамлакатнинг Карнатака, Андхра-Прадеш ва Махараштра штатлари аҳолиси табиий офатдан кўп жабр кўрди.

Маҳаллий ҳукумат вакилининг билдиришича, сув тошқинлари камида 200 дан ошиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган, 1,5 миллион нафар киши бошпанасиз қолган.

## ҲАРБИЙ АМАЛИЁТ ЎТКАЗИЛДИ

НАТОнинг Афғонистондаги қўмондонлиги мамлакат шарқда жангариларга қарши ҳарбий амалиёт ўтказилганини маълум қилди. Нуристон музофотида ташкил этилган мазкур тадбирда юздан ортиқ жангари йўқ қилинган. Айтишларича, бу амалиёт яқинда шу ҳудуддаги НАТО қароргоҳига уюштирилган ҳужумга жавобдир.

Эслатиб ўтамиз, ушундай жангарилар томонидан амалга оширилган босқинчилик чоғида коалиция кучларининг саккиз нафар аскари ҳаётдан кўз юмганди. Бу хунрезликни «Толибон» гуруҳи ўз зиммасига олганди.

## РИМДАГИ ТОПИЛМА

Буюк британиялик археологлар Рим шаҳри яқинидаги харобалар орасидан эраимиздан аввалги III асрга тегишли қадимий саҳнани топишди. Унинг майдони 1600 квадрат метрга тенг бўлиб, саҳнадан гладиаторлар жангини ташкил этиш мақсадида фойдаланилган.

Мазкур меросни қидириш ишлари қарийб 140 йил давом этган. Яъни, унинг Рим атрофида жойлашганлигини дастлаб 1868 йилда италиялик археолог Рудольфо Ланциани айтиб ўтганди.

## РАМЗЛАР ТАҚИҚЛАНДИ

Польшада коммунизмни эслатувчи рамзлар, улар сурати туширилган футболкалар ёки бошқа анжомлар савдоси тақиқланди. Кимки бу қондан бузса, жиноий жавобгарликка тортилади ва 2 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам Жиноят кодексига ўзгартиш ва тузатишлар киритилиб, Сейм томонидан яқинда қайта қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, худди шундай тақиқловчи қонунлар Болтиқ бўйидаги бошқа мамлакатларда ҳам қабул қилинган. Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

## «ПАХТА – 2009»

# МАСЪУЛИЯТЛИ ПАЛЛА



Сир эмас, бу йилги ёғингарчилик пахтани экиш ва йиғиштириб олишда пахтакорлар, фермеру деҳқонларни ташвишли аҳволга солиб қўйди. Ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, омборхоналарга жойлаш ва қайта ишлаш жараёни алоҳида масъулият талаб қилади. Пахта жуда тез аланга олиш хусусиятига эга бўлганлиги туфайли, уни ёнғиндан асраш муҳим вазифалардан биридир. Бу борада вилоят ИИБ ЁХБ ва «Бухоропахтасаноат» уюшмаси ҳамкорлигида вилоятнинг Шофиркон ва Олот туманлари пахта тозалаш заводларида ўтказилган қўшма семинар-кенгашларда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, пахтани сақлаш ва қайта ишлаш жараёнида ёнғин содир этилишига йўл қўймаслик, ушбу йўналишда масканлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида гап борди.

Буни чуқур ҳис этган вилоят ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бир қатор чора-тадбирлар кўришяпти. Улар пахта тозалаш ва қайта ишлаш корхоналарида туну кун навбатчиликда туриб, етиштирилган ҳосилни ёнғиндан муҳофаза қилишда иштирок этишади.

Мавсум бошланиши арафасида 10 та пахта тозалаш заводи ҳамда 30 та пахта қабул қилиш масканларининг аҳоли кўриб чиқилди. Текширувлар жараёнида айрим жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига риоя этишда бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Корхона ва масканлар мутасадди ходимларининг ёнғин хавфсизлиги масалаларига эътиборсизлиги туфайли ёнғинлар содир бўлиб туради. Ёнғинлар асосан масканлардаги кичик механизмларни ишлатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал

қилмаслик, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, транспорт воситаларида учкун ўчиргичларнинг йўқлиги, носозлиги, пахта тайёрлаш масканларидаги кичик механизмларнинг электр кабелларини қоидага хилоф равишда ўтказиш, электр сим ва кабелларни устки ҳимоя қобилигининг ток кучига қаршилигини ўз вақтида синовдан ўтказмаслик, пахтани транспорт қатнови йўлларида қуритиш, хирмонларда ёхуд пахта хом ашёси юкланган транспортларда сигарет чекиш каби сабаблардан келиб чиқади.

Масканлардаги барча сув иншоотлари доимо сув захираси билан таъминланиши, ёнғин ўчириш автомобиллари ва мотопомпаларга техник хизмат кўрсатилиши, уларни шай ҳолатда тутиш, кичик механизмларни ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига жавоб берадиган даражага келтириш муҳим эканлигини унутмаслик зарур. Масъулиятли паллада миллий бойлигимиз — пахтани ёнғиндан асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Акрам ТОИРОВ,**  
подполковник.

Бухоро вилояти.

## ХАБАР

## ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Айни кунларда Қашқадарё вилоятида етиштирилган пахта ҳосилини қисқа фурсатларда йиғиб-териб олиш ишлари қизгин паллага кирди. Йиғим-теримга жалб қилинган ҳашарчию деҳқонлар далаларда шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар билан бир қаторда, вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ҳам мавсум давомида жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл

ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида воҳа пахтакорларига камарбаста бўлаётир.

Ҳашарчиларнинг меҳнатдан сўнг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун республика ИИБ Ашула ва рақс ансамблининг бир гуруҳ санъаткорлари яқинда воҳага ташриф бўюришди. Таниқли хонандалар, қизикчи ва раққосалардан иборат ижодий гуруҳ учта

жамоага бўлинган ҳолда ҳашарчилар ҳузурида концерт намойиш этишди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар У. Тиллаев, А. Олимов, А. Ғаниев, қизикчилар В. Шамсиев, Ў. Муҳаммадхўжаев, эстрада хонандаси О. Эшонхонова ва бошқалар дилтортар куй-қўшиқлари билан ҳашарчилар гайратига гайрат қўшишди.

**Р. СОДИКОВ.**

## МИННАТДОРЛИК

Мен Қарши шаҳар тўртинчи митти-тумандаги 31-уй 30-хонадонда яшайман. 13 сентябрь куни эрталаб соат 9.00 ларда бир юмуш билан қўшнимизни кичик чикибману, эшикни очиб қолдирибман. Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтиб уйга кирсам телевизор ёнидаги DVD плеери жойида йўқ. Номасълум шахслар DVDга қўшиб жинси шимимни ҳам олиб кетишган экан.

## ПОСБОНЛАРИМИЗГА РАҲМАТ!

Ўша кунидек бу ҳақда Қарши шаҳар ИИБга хабар бердим. Воқеа жойини кўздан кечирган тезкор гуруҳ аъзолари ўғирланган нарсалар атрофидаги барча жиҳозлардан бармоқ излари намунасини олишди. Шу кун тушликдан сўнг уйимга профилактика инспектори келиб: «Қарши шаҳар ИИБ терговчиси А. Бозоровга бориб учрашинг», деди. Терговчининг хонасида уч киши ўтиришганди. Биттаси бизнинг оила билан борди-келди қилиб юрадиган танишимиз, иккинчиси терговчи бўлса, учинчиси тезкор ходим О. Тўраев экан. Улар мен билан саломлашгач, терговчи «Нарсаларингизни танийсизми?» — деган савол берди. «Ҳа, нега энди ўз нарсаларимни танимас эканман», — дедим. Терговчи ёнидаги шкафдан уйимдан йўқолган жиҳозларни кўрсатганда рост кўзларимга ишонмадим. Йўқолган DVD ва кийимимни кўриб қувониб кетдим. Маълум бўлишича, уйимга тушган ўғри рўпарамда ўтирган танишим Г. Ш. экан.

Ҳақли равишда осойишталик посбонлари деб аталган ўз касбининг фидойилари бор экан, ҳар қандай қинғирлик изи совумай фош этилиши тайин. Юртимиз тинчлиги, фуқаролар осойишталиги ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Улар борки, биз хотиржам яшаймиз. Посбонларимизга чин дилдан раҳмат айтгим келди.

**Раъно ТИЛЛАЕВА.**

Қашқадарё вилояти.

## ЭЛ ИШОНЧНИ ОҚЛАБ

Қарши шаҳрида йилдан-йилга бир-бирдан обод, кўркам маҳаллалар сони ортиб бормоқда. Бунга мисол тариқасида «Кўрғонча» ва «Хонтепа» маҳалла фуқаролар йиғинларини айтиб ўтиш мумкин.



Бугунги кунда «Кўрғонча» билан ёнма-ён жойлашган «Зоғза» маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 8500 нафар аҳолининг осойишталигини таъминлаш учун Қарши шаҳар ИИБ профилактика инспектори, капитан Турғун Йўлдошев масъул. Гарчи ёш бўлса-да, кўш маҳалла фуқароларининг яқин маслаҳатчисига айланган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳудудда содир этилган бешта жиноятнинг барчаси профилактика инспекторининг саъй-ҳаракатлари натижасида «иссиқ изида» очилди, — дейди Қарши шаҳар ИИБ ҲООБ бошлиғи, майор Элмурод Эшқобилов. — Илгари ҳам гиёҳвандлик жинояти билан судланган Ш. Бурҳоннинг хатти-ҳаракатлари Т. Йўлдошевда шубҳа уйғотади. Апрель ойининг бошларида ички ишлар бўлими тезкор ходимлари билан олиб борган талбир давомида Ш. Бурҳон кучада ҳолислар иштирокида гумонланувчи сифатида тўхтатиб текшириб кўрилганда, ёнидан героин топилди.

Ҳудудда ўн бир нафар муқаллам судланган шахслар, олти нафар но-расмий оқим аъзолари ҳисобга олинган бўлиб, капитан Т. Йўлдошев улар билан профилактик суҳбатлар олиб боришни канда қилмайди. Бир нафар нотинч оилада юзага келган нохуш вазият маҳалла фаолларида жилдий ташвиш уйғотди. Негаки бирники мингга, мингники туманга деганларидек, тинчлик бўлмаган оиланинг атрофида яшовчилар учун ҳам нотинчлик юзага келиши эҳтимолдан холи эмас.

Кўрғонча маҳалласида яшовчи эрхотин Мухтор ва Маликанинг тез-тез бўладиган жанжали маҳалла фаолларининг бир неча маротаба аралашуви билан ҳам барҳам топмагач, яраштириш комиссияси қарори билан суд орқали ҳал этиладиган бўлди.

Профилактика инспекторига хизматда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг раҳбарлари Ғофур Холмуродов (Кўрғонча маҳалласи) ва Неймат Халилов (Зоғза маҳалласи)лар камарбаста бўлмоқда. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия

масалалари бўйича маслаҳатчилар Замира Тўхтаева (Кўрғонча маҳалласи) ва Раима Темирова (Зоғза маҳалласи)лар эса хотин-қизлар ўртасида турли қонунбузарликларнинг олдини олиш билан бирга, фуқароларнинг фойдали иш билан бандлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Мактабларда кураш, волейбол, футбол, баскетбол, каратэ ва теннис каби спорт тўғрақларида эса ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар яратилган.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда маҳаллаларда кўчалар ободлиги ва фаровонлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хонақоҳ жомеъ масжиди атрофи ободонлаштирилиб, ҳовли саҳни ва кўча қайта асфальтлаштирилди. Икки маҳаллани бирлаштирувчи йўлнинг носоз жойлари ҳам қайта таъмирланиб, четларидаги ариқлар тозаланди, мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди. Шаҳарни янада ободонлаштириш мақсадида фуқароларнинг яшаш ўйлари атрофлари ҳам ҳомийлар кўмагида таъмирлангани ўзгача чирой кашф этаётир.

Қарши шаҳрининг файзли гўшасида жойлашган бу маҳаллаларда амалга оширилган эзгуликка йўғрилган савобли ишлар билан бирга, ҳуқуқбузарликлар, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги талбирлар салмоғи анча залворли. Бу ишларга катта ҳисса қўшган профилактика инспектори, капитан Турғун Йўлдошев Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармонида биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Содиқ РАХИМОВ.

Қашқадарё вилояти.

Йўл четида тўхтаб турган, кўшни вилоятнинг давлат рақам белгиси осилган қизил рангли «Тико» Аҳмадалини бефарқ қолдирмади.

## ФИДОЙИЛИК ҚАДР ТОПАДИ

— Кечирасиз, маҳалла посбони Абдуллаевман, — деди рулда газета ўқиб ўтирган ҳайдовчига. — Меҳмон отангдек улуғ, деган гаплар бор. Шундоқ бўлса ҳам минг бора узр, бу ёғи хизматчилик, ҳужжатларингизни кўриб қўйсам.

— Бемалол, — деди меҳмон, ammo бир оз саросималангандек эди.

Аҳмадали ҳайдовчининг гувоҳномасини ва автомобиль техник паспортини синчиклаб кўздан кечиргач, яна бир карра узр сўраб, эгасига қайтарди.

Айни шу пайтда рўпарадаги хонадоннинг дарвозаси очилиб, ичкаридан оғзи тўла тилла тиш — тўрт нафар аёл солланиб чиқиб келишди. Аҳмадалига беписандлик билан қараб қўйгач, салондан жой олишди. Зум ўтмай қизил «Тико» бутунлай кўринмай кетди.

Яна ўз йўлида одимлаётган Аҳмадали:

— Ҳой, ука, тўхтаб турунг! — деган овозни эшитди-ю ортига ўгирилиб, ҳамқишлоғи Майрамхон опа Абдусаломовага кўзи тушди.

— Тинчликми, опа? — деб сўради хавотирланиб.

— Боягина қизил «Тико» ҳайдовчиси билан гаплашган экансиз, — деди аёл рангикути учиб. — Ўша машинада келган тўртта хотин гирт товламачи-муттаҳам экан. Уларни мутлақо танимасам-билмасам ҳам алдовларига учиб, 170 минг сўмлик тилла тақинчоқларимни қўшқўллаб тутқазиб юборибман!

— Тушқунликка тушмай турунг, опа, — деди Аҳмадали ўткинчи машинани тўхтатар экан. — Ўша «Тико»нинг давлат рақам белгисини эслаб қолганман. Қани, кетдик!

Туман маркази — Навбахор қишлоғига кираверишда хизмат ўтаётган ИПХ инспекторлари воқеадан огоҳ бўлгач, бор диққат-эътиборларини қизил рангли автомобилларга қаратишди.

Ва ниҳоят, қутилаётган «Тико» Бешариқ томондан



елиб келди. Машинадаги олифта аёллар дастлаб «шошилиб турибмиз, қўйиб юбора қолинглар», дея роса ялинишди, кейин бекорга вақтимизни оляпсизлар, бунинг учун тегишли жойда жавоб берасизлар, дея айюҳаннос солишди. Фойдаси бўлмагач, тақдирга тан бериб, индамай қолишди.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомидаёқ уларнинг макр бобида қолдурни бенарвон урадиганлар хилидан эканликлари ойдинлашди. Улар Томоша қишлоғилик аёлга жабр етказишдан олдин Риштон ва Бешариқ туманларида ҳам бўлиб, содда хотин-қизларни чув тушириб келишган экан. Энди эса қилмишларига яраша жазо оладиган бўлишди.

Бу — Фурқат туманидаги «Томоша» маҳалла фуқаролар йиғинининг посбони Аҳмадали Абдуллаевнинг хизмат фаолиятидан бир лавҳа холос.

Томоша ва Қурултой қишлоқларидан иборат мазкур ҳудудда жами уч ярим минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Табиийки, уларнинг орасида ҳуқуқбузарликка мойил шахслар йўқ, дея олмаймиз. Шундай бўлса-да, жиноятчилик йил сайин камайиб бораётир. Хусусан жорий йилда юқумли касалликлар шифохонасида содир этилган давлат мулкани ўзлаштириш билан боғлиқ

қонунбузарликдан ўзга бирорта ҳам нохуш ҳолат қайд этилмади.

— Бунинг сабаби — халқ таъбири билан айтганда, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган маҳалладошларимизни ортимиздан эргаштириб, жиноятчиликка қарши ялпи курашга кўтара олганимизда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон Турдиев ишонч билан. — Бу борада маҳалла посбони Аҳмадали Абдуллаевнинг хизматлари беқийс.

Чиндан ҳам Аҳмадали жонқуяр йигит. Маҳаллада истиқомат қилаётган жиноятга мойил шахсларни яхши билади, улар қандай яшаш-япти, нима билан шуғулланиш-япти, нимани режа қилиш-япти ҳаммасидан бохабар.

Худди шунингдек, хоҳ кечаси бўлсин, хоҳ кундузи маҳаллага бош суққан бегона шахс унинг назаридан четда қолмайди.

Яқинда бутун маҳалла бўйлаб хушхабар тарқалди. Эл тинчлиги, юрт осойишталигига камарбаста посбон Юртбошимиз Фармонида биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Раҳмонали ҚОСИМОВ.  
Фаргона вилояти.

Суратда: маҳалла посбони Аҳмадали Абдуллаев (чапда) маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон Турдиев билан.

## СУЛОЛА

## ОТ ИЗНИНИ ТОЙ БОСАР

Асака тумани ИИБ тергов бўлини масида ўз касбига меҳр қўйган ходимлар кўпчилигини ташкил этади. Бу эса жиноят ишлари маалакали тергов қилинишида муҳим омил бўлмоқда. Лейтенант Азизбек Маниёзовнинг ушбу бўлинмада хизмат қилаётганига унча кўп бўлгани йўқ. Лекин у тиришқоқлиги сабабли ҳамкасблари ўртасида хурмат-эътибор қозонди.

— Азизбек меъёрий ҳужжатларни беҳато юритиши, жиноят ишларини тергов қилаётганда шахс тақдирига адолат мезони асосида ёндашаётгани ўз касбининг билимдони эканли-

гидан далолат беради, — дейди туман ИИБ тергов бўлини маси бошлиғи, капитан Асрорбек Араббоев.

Дарҳақиқат, Азизбек ёш бўлишига қарамай муайян тажриба тўплаган терговчилардан ҳисобланади.

— Яқинда менга одам савдоси билан боғлиқ жиноий ҳаракатни тергов қилиш топширилди, — дейди лейтенант Азизбек Маниёзов. — Б. Ҳайдар 2007 йилнинг август ойи-

дан 2008 йилнинг июнь ойига қадар Асака туманида яшовчи 66 нафар фуқарони алдаб, уларга Россия Федерациясидаги гишт заводида ойига 350-700 АҚШ долларигача иш ҳақи берилади, дея ўша ерга олиб боради. Уларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, ойлаб иш ҳақи бермасдан, маънавий ва руҳий тазйиқ ўтказди. Ишчиларга «пулингизни уйингизга жўна-

тиб турибман», деб ёлғон гапирди.

Ҳамқишлоғига алданганини сезган фуқаролардан айримлари турли йўллار билан Асакага қайтиб келиб, туман ИИБга мурожаат қилишди. Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари якунланиб, «иш» судга юборилди.

Лейтенант Азизбек Маниёзов ички ишлар ходимлари сулоласидан. Отаси

Адҳамжон ака Маниёзов узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, подполковник унвони билан фахрийликка кузатилган. Амакилари Аҳмаджон ака истеъфодаги полковник, Улуғбек эса Наманган шаҳар ИИБда масъул лавозимда хизмат қилмоқда.

— Ёшлигимдан дадам ва амакиларимга ҳавас қилиб, келгусида улар каби ички ишлар ходими бўлишни

дилимга жо қилган эдим, — деди А. Маниёзов. — Ўрта мактабни тамомлаб, Фаргона Давлат университетида ўқишга кирдим. 2006 йилда мазкур олийгоҳни тамомлаб, ички ишлар тизимида хизмат қилаяпман. Касб сир-асрорларини ўрганишимда ҳамкасбларим, капитанлар Яшнаербек Раимжонов, Шерзодбек Мамажонов ва Асрорбек Араббоевлар катта ёрдам беришди.

Азизбек ўзи танлаган соҳани пухта эгаллаш мақсадида маҳоратини ошириб бормоқда.

Азизхон БУЗРУКОВ.  
Андижон вилояти.

25 ОКТЯБРЬ – ИЧКИ ИШЛАР ИДОРЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

«ХАВАСИМНИ  
ОҚЛАГАН  
ЎҒЛИМ»

«Далажон, бугун тунда ёнимга келганингизда сизга ку-ў-ў-п нарсаларни айтмоқчи эдим, бироқ улгуролмай қолдим. Укам Саиджоннинг кулишлари, мактабга чиқиш учун тайёргарлик кураётганини... Э, айтаверсам гапим жуда кўп. Бир нарсани сурамоқчи эдим, нега сиз доим менга осмондан тикилиб тураверасиз?»

Бугун-чи, далажон бувим бизни бозорга олиб бордилар. Бизга чиройли кийимлар, сумка, китоб, дафтар, ручкалар олиб бердилар. Мелиса амакиларни кўриб укам: «Менга ҳам милиция кийим обертасиз, мактабга ўшани кийиб бораман», — деб туриб олди. У бу йил биринчи синфга борапти. Бир амаллаб овутиб, уйга қайтдик. Саиджон-чи, уйга келибоқ шапкангизни, формангизни кийиб олди. Буни кўриб бобом «Эркинимни худди ўзи-я, илоё, умри ўхшамасин», деб секин бошқа хонага чиқиб кетдилар. Билман бундай пайтда ҳеч кимга сездирмай кўзларини артиб оладилар. Укам сизни жуда соғинибди. «Дадани кўрсатинг», — дейди. Мен «дадам бизни кўриб турибдилар», десам, «нега менга кўринмайдилар?» деб хафа бўлиб қолди. Далажон, бир мартагина укажонимнинг ҳам олдига келинг. У сизни жудаям соғинган, сиздек қахрамон бўлмоқ-



чи...» Даласининг суратига тикилиб турган Нигоранинг бу сўзларини эшитиб, уни юпатмоққа жазм қила олмадим. У ўтирган хонанинг эшигини секингина ёпиб, чиқиб кетдим.

Эркин Саидовнинг бири-бирдан зийрак, қошу кўзи отасига ўхшаб кетадиган фарзандларини кўрганимда қақнус куши ёдимга келарди. Зеро, Саиджоннинг «дадамга ўхшаб мелиса бўламан» дейиши ўша қақнус боласини эслатди, менга.

Қарияларимиз илоҳим ҳеч кимга фарзанд доғини кўрсатмасин, дейишади. Навқирон умрдан қолган эсдаликлар инсонга озгина бўлса-да тасалли берса, кексаликни билмай кетганининг доғи бари-бир аламидир. Ота ўз фарзандини хотирламасин экан. Кўпни кўрган, юзидан нур ёғилиб турган инсоннинг чеҳрасига бир пасда қайғу соя таш-

лаши, намчил мижжаларини арта-арта ўғли ҳақида сўзлаётгандаги ҳолатига дейдаси қаттиқ инсон ҳам дош беролмайди.

— Устозларим Эркин Шайхов, Эркин Турдиевларга ҳавас қилиб ўғлимга «Эркин» деб исм қўйгандим, — дейди Ғайбулла ака. — Уларга ўхшаб илмли, кўнгли очиқ, дарёдил бўлишини истагандим. Болалигида жуда шўх эди, техникага жуда қизиқар, бузилиб қолган дазмол, телевизорларни ҳам ўзича тузатишга ҳаракат қиларди. Ҳатто бир гал ўриндигига ёстиқ қўйиб машинами ҳайдаганини кўриб қолганман. Онаси, опаси, сингисини жуда эъзозлар, қачон қарама, қизиқ-қизиқ гаплар айтиб кулдириб ўтирарди. Итларни жуда яхши кўрарди. Шунинг учун уйимизда ҳалигача турли зотдаги итларни парвариш қиламиз. Ҳаммасини Эркиним олиб келганди. Баъзан бўш вақтлариди уларни айлантириб келарди-да, кун ботгач «юр галстугингни боғлаб кўяй» деб итни инига боғлаб қўярди. Устозларимни қилган ҳавасим армон

бўлмади. Китоб йиғиш, ўқиш жону-дили эди. Уйда техникага оид китобларнинг сон-саногини йўқ. Уни шунчалик тиришқоқ, интилувчанлигини кўриб онаси: «ўғлимга кўз тегмасин» деб ҳар келганида исирик тутатарди.

Афсуски, у бугун орамизда йўқ. Уни эслаб юрак-бағрим эзилади. Аммо менга фақат бир нарсани ўғлимнинг умри зое кетмаганлиги, унинг элу юрт бахти учун ҳалок бўлганлиги тасалли беради...

## «ОИЛАМИЗ

## ЭРКАСИ ЭДИ...»

— Оиламизнинг кенжатоий эди, — деб гап бошлади марҳум қахрамонимиз катта лейтенант Муҳиддин Амановнинг акаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий ходими, физика-математика фанлари номзоди Мухтор Омонов. — Укам дарахтларни ўстиришни, пайванд қилишни яхши кўрарди. Чаққон, эпчиллиги учун барча ишни бир зумда бажариб бўларди. Тўйларда кураш тушиб катта бўлган эмас-



ми, мард, ҳеч нарсдан қўрқмасди. Болалигида роса кўп кабутарлари бўларди. Овқатланаётганида ҳам кабутарлар елкасидан тушмасди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагоги-

## «ХОТИРАНГИЗ ҚАЛЬ АРДОҒИ»

Изтироб эскирмайди. Дард янгиламанавради. Жасорат эса мангу яшайди. Бугунги тинч ҳаётимиз учун шахид кетганларнинг хотираси эса ҳаммиша абадий. Улар фарзандларининг умрида яшашади... Кўз қарашлари бири-бирига ўхшайдиган бу йигитлар дўст ҳам эдилар. Фельтвори ҳам ўхшаш, бири-бирини тўлдириб турарди. Йўқса, ўша кун олган маошига бири қизига велосипед олиб беришни, иккинчиси «кўнглинг тусаган нарсани олгин» деб турмуш ўртоғига тайинлаб кетмасди.

Фарзандини бир бор кўришни, қулига олиб эркалашни истаган эди Муҳиддин ака. Вафотидан олти ой ўтиб қизчалик бўлди. Ёлгоранинг қошу-кўзи, жилайишлари худди отасилек. Гуё Муҳиддин ака қизалоғининг жисмида яшаётгандек. Аслида ҳам шундай, ўз Ватани ва халқини ёвуз ниятли кишиларнинг хуружидан ҳимоя қилиб, навқирон ёшида шахид кетган Эркин Саидов, Муҳиддин Аманов каби қахрамон йигитларимиз нафақат яқинларининг, балки ҳар бир юртдошининг қалбида яшайди.

Гули Нигор АБАЗОВА.

## ХИЗМАТЛАРДА

## ҚҰРИҚДАГИ МАСКАНЛАР КЎПАЙМОҚДА

Наманган вилояти ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими ва унинг қуйи тизимлари томонидан айни пайтда 858 та турли тоифадаги халқ хўжалиги объектлари ва 128 та фуқаролар хонадони қўриқланмоқда. Уларнинг 846 таси қўриқлаш ва ёнғин хабаргоҳлари билан жиҳозланган, 750 таси техник қўриқлаш пунктларига уланган, 288 таси эса икки ҳамда ундан ортиқ босқичли қўриқлаш хабаргоҳлари билан таъминланган.

Таъкидлаш жоизки, қўриқлаш хизмати йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда, эски техникалар ўрнига янги, замонавий ускуналар кириб келмоқда. Бўлимимиз ва унинг жойлардаги бўлинмалари раҳбарлари томонидан вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот, муассаса, хусусий шўба бошлиқлари ҳамда аҳоли ўртасида ана шулар, қўриқлаш тизимининг имкониятлари ва афзалликлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Бунинг натижасида жорий йилнинг иккинчи чорагида 126 та халқ хўжалиги объектлари 58 та алоҳида хоналари билан янгитдан қўриқлаш учун қабул қилинди. Ана шу масканлар ва 45 та объектдаги эскириб қолган ускуналар ўрнига янги, энг замонавий қўриқлаш ва ёнғин хабаргоҳлари ўрнатилиб, техник жиҳатдан мустаҳкамлиги таъминланди. Талайгина фуқароларнинг хонадонлари ва шахсий мулкларини сақлаш жойлари ҳам шундай ускуналар билан жиҳозланди, 39 таси техник қўриқлаш пунктларига уланди.

Шулар билан бир қаторда, шахсий таркибининг маънавий билимини ошириш, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш, жанговар ва касбий тайёргарлигини кучай-

тиришга ҳам катта эътибор қаратилаётгани эришилаётган ютуқларда муҳим омил бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида қўриқланаётган бирорта масканда ўғрилиқ, ёнғин ёки жиноий тажовуз содир этилишига йўл қўйилмагани фикримизнинг далилидир.

2009 йилнинг ўтган даврида 1150 нафардан ортиқ шахс майда ташмачиликка йўл қўйгани учун ушланиб, қарийб 6 млн. сўмдан зиёд моддий товар-бойликлар ўз эгаларига қайтарилди. 1036 нафар шахсга нисбатан тўпланган ҳужжатлар суд идораларига юборилиб, маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Шунингдек, ходимлар вилоят ҳудудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, намунали жамоат тартибини сақлаш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, бошқа хизматлар билан ҳамкорликда муқаддам содир этилган 185 та жиноят очилди, битта жиноятнинг олди олинди. 2009 йил иккинчи чорагининг ўзида муқаддам жиноят содир этиб, яшириниб юрган 7 нафар шахс ушланди.

Бугунги кунда қўриқлаш хизмати ходимлари ўзларига билдирилган ишонччи шараф билан адо этмоқдалар. Имкониятларимиз кундан-кун ошиб, қўриққа олинаётган масканлар сони кўпайиб бормоқда. Ҳозирда вилоятимиздаги хоҳлаган ташкилот, корхона, муассасалар, шунингдек, хусусий тадбиркорлар ва фуқароларга хизмат кўрсатиш учун етарли куч ҳамда воситаларга эгамиз.

Тоҳиржон НОСИРОВ,  
майор.

Наманган вилояти.

## ПАСПОРТИМИЗ – МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ

Шаҳарлараро қатнайдиган автобус бекатида 25 ёшлар чамасидаги бир йигит «мени ҳам олиб кетинг», деб илтимос қилар, аммо ҳайдовчи кўнмасди. Ёши каттароқ киши орага тушган эди, жигибийрон бўлиб:

## МЎЪТАБАР ҲУЖЖАТ МАСЪУЛИЯТИ

— У паспортини йўқотиб қўйган, юкхонада кетишга ҳам тайёр, лекин мен бундай қилолмайман. Чунки ЙПХ масканларида бунинг учун жавоб беришни истамайман, — деди.

— Киши шахсини тасдиқловчи ҳужжатга ҳам шу даражада масъулиятсиз бўладими? — деб йўловчига танбеҳ берди халиги киши.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ХЧК ва ФРБ ходимларининг саъй-ҳаракати билан паспорт тартиботи қоидаларига амал қилмаётган ҳамда фуқароликни тасдиқловчи ҳужжатга нисбатан бефарқ муносабатда бўлаётган фуқаролар ўз вақтида аниқланиб, тегишли чора кўрилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар таҳлили ҳам соҳа самарадорлигини оширишга етарли эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Шу йилнинг ўтган даврида 61 минг 623 та фуқаролик паспортлари расмийлаштирилди. Фуқаролар томонидан паспорт тартиботига тааллуқли масалалар бўйича мурожаат қилинган уч мингдан ортиқ ариза ўз вақтида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда 141080 та объектлар текширилиб, паспорт-виза қоидаларини бузган 6782 нафар шахс аниқланди. Улардан жами 98

млн. 717минг 778 сўм жарима ундирилди. Шунингдек, республикамизга ноқонуний йўллар билан кириб келган қўшни давлатларнинг 106 нафар фуқароси аниқланиб, мамлакатимиз ҳудудидан чиқариб юборилди. Ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган 258 нафар фуқаро шахсини аниқлаш мақсадида реабилитация марказига жойлаштирилди.

Ёшлар қалбида она-Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотиш мақсадида ўқув юртларида бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда фуқаролик паспортини тантанали равишда топшириш доимий йўлга қўйилган. Жорий йил июль ойининг охирида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, полковник Оринбай Турдақов раҳбарлигида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимизнинг шу йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бўйича қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Ҳозирги вақтда барча шаҳар ҳамда туман ИИБ паспорт бўлими ва бўлинмаларида фуқаролар янгитдан жорий қилинган биометрик паспортларни ўз вақтида олиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ,  
Қорақалпоғистон Республикаси.

# ҚОНУН — ҲУҚУҚ КАФОЛАТИ

## «ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ШАРҲ

### III. ФУҚАРОЛАРНИНГ АРИЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР ВА ШИКОЯТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ҲАМДА УЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

15-модда. Аризалар, таклифлар ва шикоятларни бериш тартиби

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари уларда кўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга берилди.

Фуқаро ариза, таклиф ва шикоятни шахсан беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёки муурожаатнинг алоқа воситалари орқали юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Ариза, таклиф ва шикоятга улар юзасидан илгари қабул қилинган, фуқародаги мавжуд қарорлар (ёки уларнинг нусхалари), шунингдек ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

Фуқаро муурожаат эта туриб, дастлаб ўз ариза, таклиф ёки шикоятни моҳиятан кўриб чиқиш ваколат доирасига кирадиган давлат органини аниқлаб олиши керак. Бунинг учун малакали ҳуқуқшунос ёки адвокат хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фуқаро ўз муурожаатини уни моҳиятан ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевосита бериши ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи давлат органига юбориши мумкин. Аммо ушбу ҳуқуқдан фойдаланаётган фуқаро бўйсунув тартибда юқори турувчи давлат органи билан юқори турувчи давлат ҳокимияти органини аралаштириб юбориши керак эмас. Бинобарин, бўйсунув тартибда юқори турувчи давлат органи ладанда, айтиб бир давлат органи тизимида юқори поғонада турувчи давлат органи тушунилмоғи керак.

Масалан, фуқаро ер участкаси ажратишни сўраб, туман ҳокимлигига ариза билан муурожаат қилганида бўйсунув тартибда туман ҳокимлигига нисбатан юқори турувчи

орган бўлиб вилоят ҳокимлиги ҳисобланади. Шунга кўра фуқаро ўзининг муурожаати юзасидан туман ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлган тақдирда бўйсунув тартибда вилоят ҳокимлигига шикоят қилиши мумкин.

Амалиётда шунга кузатиш мумкинки, айрим фуқаролар масалани моҳиятан ҳал этиш ваколатига эга бўлган давлат органларини четлаб, бирданига юқори давлат ҳокимияти органларига муурожаат этадилар. Масалан, фуқаро ўз мақсадига тез ва қисқа муддатда эришилишини таъминлаш истаги билан муурожаатдаги масала туман ёки вилоят даражасида ҳал этилиши мумкин бўлса-да, маҳаллий давлат органларига эмас, балки тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси ёки Вазирлар Маҳкамасига муурожаат этади. Бундай ҳолатларда мазкур давлат органлари, шарҳланаётган Қонун талабларидан келиб чиқиб, муурожаатни моҳиятан ҳал этиш ваколатига эга бўлган давлат органларига ёки бўйсунув тартибда қуйи тузилмаларига юборди. Бу эса, ўз навбатида, муурожаатни мазмунан кўриб чиқиш муддатларига ўз таъсирини кўрсатади. Холбуки, фуқаролар ўз муурожаатларини дастлаб тааллуқчилигига қараб қуйи давлат органларига юборишлари, уларнинг қарори ёки жавобидан норози бўлсаларгина бўйсунув тартибда юқори турувчи давлат органига муурожаат қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Инобатта олиш керакки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни маҳаллий давлат органларининг масъулиятини янада оширишини, давлат органлари марказий идораларнинг ваколатларини босқичма-босқич уларнинг қуйи тузилмаларига ўтказиб боришни тақозо этади.

Фуқаро ўзининг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш борасида давлат органига шахсан ўзи муурожаат қилишга ёки ўз имкониятлари чекланган тақдирда ёхуд хоҳишига кўра, ўзга бир шахсни вакил қилиш йўли билан ушбу ваколатни унга беришга ҳақли. Вакил орқали иш тутилганда, фуқаро иккинчи шахсга учинчи шахслар олдида ўз номидан ҳаракат қилиш ва-

колатини берувчи ишончнома расмийлаштириши лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 140-моддасига кўра, ваколатларнинг бошқа шахсга берилишига асос бўлган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Ишончнома кўпи билан уч йил муддатта берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб, бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Фуқаролик кодексининг 139-моддаси талабларидан келиб чиқиб, нотариус томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилинганга ўз кучини сақлайди.

Фуқаро муурожаатини юборишда фойдаланиши мумкин бўлган алоқа воситаларига почта, электрон почта, компьютер диски, телефон алоқа воситалари кирди. Шунга кўра, фуқаро ёзма муурожаатини ўзи хоҳлаган ҳажмда қорғозда, электрон почтада ёки бошқа замонавий алоқа воситаларида юбориши мумкин.

Агар фуқаро ўз муурожаатини электрон почта орқали юборилган бўлса, унда «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ҳамда «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига амал қилиши шарт.

«Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида эса электрон ҳужжатнинг қуйидаги мажбурый реквизитлари бўлиши зарурлиги белгилаб берилган, яъни электрон рақамли имзо; электрон ҳужжатни жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон ҳужжатни жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили; ҳужжат яратилган сана. Қонун ҳужжатларида ёки электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг келишуви билан электрон ҳужжатнинг бошқа реквизитлари ҳам белгилиниши мумкин.

Электрон почта орқали юборилган муурожаатга жавоб почта алоқалари хизмати орқали ҳам юборилиши мумкин.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, муурожаат телефон алоқа воситаси орқали берилганда, у

оғзаки муурожаат билан бир хил аҳамиятга эга бўлади. Фарқи шундаки, фуқарони шахсан қабул қилиш орқали муурожаат қабул қилинаётганда, фуқаро ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатиши лозим бўлади, аммо муурожаат телефон орқали қабул қилинганда, бундай имконият мавжуд бўлмайди. Шу сабабли, муурожаат телефон орқали қабул қилинаётганда, фуқаронинг шахси ҳамда у билан боғланиш мумкин бўлган алоқа воситалари тўғрисида аниқ ва тўғри маълумотлар олинишига эришиш лозим бўлади.

Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари, яъни ота-оналари, фарзандликка олувчилари ҳамда васийлари ёки ҳомийлари томонидан берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 32-моддасига кўра, васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколатсиз ҳимоя қиладилар.

Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари бўлмаган, ота-онаси суд томонидан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган тақдирда, шунингдек, бундай фуқаролар бошқа сабабларга кўра, ота-она ҳимоясидан маҳрум бўлиб қолган, хусусан, ота-она уларни тарбиялашдан ёхуд уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда белгиланади.

Ариза, таклиф ва шикоятга илгари уларни кўриб чиқиш юзасидан қабул қилинган, фуқарода мавжуд бўлган қарорлар (ёки уларнинг нусхалари), шунингдек ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин. Қонунда мазкур норманинги ўрнатилиши юқори турувчи давлат органларидан фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлаш жараёнини енгиллаштириш билан бир қаторда муурожаат этувчининг манфаатларига ҳам тўла мос келади. Чунотчи, фуқаро ўз муурожаатининг илгари кўриб чиқилганида қабул қилинган қарор нусхасини илова қилиши орқали юқори турувчи орган томонидан мазкур муурожаатни кўриб чиқиш учун дастлаб қуйи органга тақдоран юборилишининг, шунингдек, ортиқча вақт йўқотилиши, оворагарчиликнинг олдини олиш мумкин бўлади.

**(Бошланиши ўтган сонларда. Давоми бор).**

### ● Давлат божи қандай ҳолларда қайтариб берилди?

Агар сиз давлат божини тўлаб қўйганингиздан кейин ишингиз судда кўрилмаслиги маълум бўлса, унда тўланган сумма қонунда белгиланган тартибда қайтарилди.

Тўланган давлат божи қуйидаги ҳолларда қисман ёки тўла қайтарилиши керак:

қонун ҳужжатлари бўйича талаб қилинганидан ортиқ бож тўланган бўлса;

аризани (шикоятни) қабул қилиш рад этилган бўлса;

аризалар (шикоятлар) қонунда назарда тутилган асослар бўйича даъвогарга қайтариб берилса;

иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли ишни юритиш тугатилган бўлса;

ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилган бўлса.

Агар сиз давлат божини белгиланганидан



## ДАЪВО АРИЗАСИ



ортиқ тўлаб юборган бўлсангиз, қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат божининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилди.

### Елда тутиш

Давлат божини қайтариш суднинг ажрими асосида молия органлари томонидан амалга оширилади.

### ● Давлат божи қачон қайтариб берилмайди?

Ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги сабабли кўрмасдан қолдириш ҳолатидан ташқари бошқа асослар бўйича ариза кўрилмасдан қолдирилса ёки сиз давлат божини тўлаб қўйганингиздан сўнг даъво талабини камайтирган бўлсангиз тўланган давлат божи қайтариб берилмайди.

Хусусан, қуйидаги

### ҳолларда:

суд даъвони кўриб чиқишга қабул қилган бўлса-ю, лекин даъвогар арз қилган талабларидан воз кечса; жавобгар ихтиёрий равишда даъво талабини тан олса;

даъвогар даъво талабини ўзгартирса ва даъво баҳосини камайтирса; тарафлар ишни келишув битими билан тамомласа давлат божи қайтарилмайди.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатларда тўланган давлат божини қайтариб бериш учун асос йўқ.

### ● Ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар

Ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларга қуйидагилар кирди:

гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар; жойга бориб кўздан

кечириш билан боғлиқ харажатлар;

қонунда назарда тутилган ҳолларда, жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар;

суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ харажатлар.

### ● Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тегишли суммаларни тўлаш ва уларнинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолиниши таъминлаш тартиби қандай?

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тегишли суммалар, улар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан сўнг, харажат тарафлардан ундириб олинган олинмаганлигидан қатъи назар, суд томонидан тўланади.

Экспертлар ва мутахассислар суднинг топширигига мувофиқ бажарган

ишлари учун ҳақни, башарти бу иш уларнинг хизмат бурчлари доирасига кирмаса, оладилар.

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларнинг судга бориши муносабати билан ишда бўлмаган вақтида уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи қонунда белгиланган тартибда сақланади.

Меҳнатга оид муносабатларга киришмаган гувоҳларга одатдаги машғулотлардан қолдирилганликлари учун амалда сарфлаган вақтларини ва жорий этилган энг кам иш ҳақини ҳисобга олиб ҳақ тўланади.

### ● Гувоҳларга, экспертларга, мутахассислар ва таржимонларга ҳақини қим ва қачон тўлайди?

Гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга тўланиши

лозим бўлган пулни ёки жойга бориб кўздан кечиришга кетадиган харажатлар учун зарур бўлган пулни тегишли илтимос билан муурожаат қилган тараф олдиндан тўлаб қўяди.

Агар бу илтимосни иккала тараф қилган бўлса ёки гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни, таржимонларни чақиритиш, жойга бориб кўздан кечириш суднинг ташаббуси билан амалга оширилса, бунинг учун керакли суммани тарафлар баб-баравар тўлайдилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган суммаларни суд харажатларини тўлашдан озод қилинган тараф тўламайди.

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар улар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан сўнг суд томонидан тўланади.

**(Бошланиши ўтган сонларда. Давоми бор).**



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

## КҮЙ



Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярмида саломатликка жиддий эътибор қаратиш зарурлигини уқтиряпти. Халқ табобати усулларида фойдаланиш ҳам яхши самара беришини унутмаслик лозим. Майший масалаларни ҳал этиш учун киришинингиз мумкин. Келгуси режаларни тузишда умр йўлдошингиз билан маслаҳатлашишни унутманг. Ўзбилармончилик, худбинликнинг оқибати яхши бўлмаслигини эслатиб қўямиз.

## СИГИР



Ҳафтанинг биринчи ярми янги танишувлар учун қулай бўлиши кутилмоқда. Фарзандлар билан очик мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилинг, кўмаклашинг! Ҳафтанинг иккинчи ярмини саломатликни тиклаш, мустаҳкамлаш, даволанишга бағишлаган маъқул. Бироқ шифокор тавсияси, маслаҳатига амал қилмай, ўзбилармончилик билан даволаниш оғир асоратларга олиб келишини эсдан чиқарманг!

## ЭГИЗАКЛАР



Уй, хонадон, кўчмас мулк, қурилиш масалаларини ҳал этиш, режа тузиш, қурилиш ишларини бошлаш учун ҳафтанинг биринчи ярмида киришини маслаҳат берамиз. Зарур нарсаларни харид қилишингиз ҳам мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эҳтиросли, қимор ўйинларидан узоқроқ юрган маъқул. Янги танишувлар жиддий, ишқий муносабатларга айланиши, шу билан бирга, айрим муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

## КИСҚИЧБАҚА



Ҳафтанинг биринчи ярмида куч-қувват, фаоллигингиз ошиши кутиляпти. Дилкаш суҳбатлар бўлиши мумкин. Вазминлик, самимийлик билан суҳбатдошингизда яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилинг. Бу мавқеингизнинг ошишига туртки бўлиши мумкин. Янги режа ҳақида турмуш ўртоғингиз билан маслаҳатлашганингиз маъқул. Худбинлик, ўзбошимчалик жанжал келтириб чиқариши мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

## АРСЛОН



Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярми молия ва моддий аҳволни яхшилаш масаласини ҳал этиш учун қулай келишидан дарак берапти. Эҳтиёткорлик, етти ўлчаб бир кес мақоласига амал қилиш лозим. Ортиқча ҳаракат қилмай, ҳовлиқмасдан ишга киришини маслаҳат берамиз. Яқин кишилар маслаҳатига қулоқ тутиш фойдадан холи бўлмайди. Бунинг учун бир-бирингизни тўғри тушунишга ҳаракат қилинг.

## БОШОК



Вазият ҳафтанинг биринчи ярмида нисбатан жиддий, бироқ ёқимли, жозибали бўлиши тақозо этади. Ташқи кўркемлик, савлат атрофдагиларнинг эътиборини тортиб, муносабатини ўзгартириши мумкин. Янги дўстлар, ҳамфирлар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳафтанинг иккинчи ярмини саломатликка бағишлашни маслаҳат берамиз. Шифокор маслаҳати ва парҳез қондасига қатъий риоя этиб, ортиқча вазндан қутулиш мумкинлигини амалда исботланг, натижасидан қувонасиз.

## ТАРОЗИ



Ижодий ўсиш, руҳий ривожланиш имконияти ҳафта бошида пайдо бўлиши кутилмоқда. Ижодкорлар касб маҳоратини намоён қилишлари мумкин бўлади. Юлдузлар ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳам ижодий ишларда омад кулиб боқишидан дарак бермоқда. Оилавий масалаларини ҳал этишни кейинга қолдирган маъқул. Спорт, ақлий мусобақаларда иштирок этиб, голиб бўлиш мумкин.

## ЧАЁН



Бу ҳафта ўқиш, янги фан ўрганиш, билимни бойитиш учун қулайдир. Бунинг учун яқка тартибда шуғулланмасдан гуруҳ, тўғаракка аъзо бўлган маъқул. Бой дунёқарашга эга кишилар билан танишиш мумкин. Бу келгусида мустаҳкам муносабатли дўстликка айланади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида яхши ҳордиқ чиқариб, куч-қувват тўплаш учун вақт ажратинг. Турли миш-мишларга аралашиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

## ЁЙ



Авалдан тузилган режа ни амалга ошириш учун таваккал қилишни маслаҳат берамиз. Омад кулиб боқиши мумкин. Бу тақдирингизда ўзгариш ясаши мумкин бўлган имкониятлардан бири эканини унутманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида шерик, ҳамфирлар кўпайиб қолади. Улар орасида ўз манфаати учунгина парвона бўлаётганлари ҳам борлигини ажрата билинг. Яхши ҳамкорларга хайрихоҳлик қилиш лозим.

## ТОҒ ЭЧКИСИ



Оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, айримлар учун тиклаш имконияти пайдо бўлади. Янги режалар ҳақида ўзаро маслаҳатлашиш, бир қарорга келиш ўртадаги илиқликка сабаб бўлади. Бунинг учун ҳар икки томон баравар ҳаракат қилмоғи керак. Мақсадга эришиш ҳафтанинг иккинчи ярмида амалга ошиши мумкин. Келишмовчилик, жанжал сабабини қидириш, кимнидир айбдор қилишга уринмаган маъқул.

## ҚОВҒА



Ҳафтанинг биринчи ярми муҳим, келгуси ишларни амалга ошириш учун қулай бўлади. Қизгин меҳнат, ташаббус, фаоллик танлаган йўлингизда олға боришда асосий омил эканини унутманг! Ҳафтанинг иккинчи ярмида бегоналар таъсирига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Кўпчиликка эргашган ютқазмайди. Ҳар бир қадамни ўйлаб босишга ҳаракат қилинг! Кам гапириб, кўп эшитган маъқул.

## БАЛИК



Шахсий муносабатларни ўзгартириш, аниқроғи ўстириш лозим. Учрашувга чиқиб, ишқий муносабатлар ўрнатилган ҳаракат қилинг. Ёлғизлар, бўйдоқлар учун янги учрашувлар бўлиши, пировард натижада ишқий муносабатларга айланиши кутиляпти. Таваккалчиликдан четроқ юрган маъқул. Сирли, эсдан чиқиб кетган мавҳум ҳолатларни очиш, аниқлаш имконияти тугилади.

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## ДУШАНБА, 12 ОКТЯБРЬ

### «O'zbekiston»

**Хурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба, 12 октябрь кунини «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.**  
14.55 Кўрсатувлар дастури.  
15.00 «Тахлилнома».  
15.45 ТВ - анонс.  
15.50 «Ватанпарвар».  
16.30 «Очун».  
16.40 «Икки дарё оралигида».  
17.00 «Ахборот».  
17.10 ТВ - анонс.  
17.15 «Қонун ҳимоясида».  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».  
17.50 «Сизнинг адвокатингиз».  
17.55 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».  
18.35 2009 йил — Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Кишлоқ шифокори».  
18.55 «Бир кун».  
19.20 «ТВ - шифокор».  
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот». (рус).  
20.00 ТВ - анонс.  
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
20.50 ТВ - анонс.

21.00 «Ахборот».  
21.30 «Муқаддас қадамжолар».  
21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.  
22.40 «Иқлим».  
22.45 «Нейрохирург». Т/с.  
23.25 «Олам ва одам» дастури: «Сув ости дунёси».  
23.50 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
23.55 Кўрсатувлар дастури.  
00.00 «Ватанпарвар».  
00.40 «Кишлоқ шифокори».  
01.00 «Ахборот». (рус).  
01.30 ТВ - анонс.  
01.35 «Ҳаётбахш наволар».  
02.30 «Маънавият» дастури.  
03.30 «Бир кун».  
03.55 ТВ - анонс.  
04.00 «Ахборот».  
04.30 «Истеъдод».  
04.50 «Чемпион».  
05.10 «Икки дарё оралигида».  
05.30 «Очун».  
05.40 Тонгги наволар.

### «Yoshlar»

**Қадрли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан, 12 октябрь кунини «Yoshlar» телеканални ўзининг кўрсатувлар дастурини соат 14.55 дан бошлайди.**  
14.55 Дастурнинг очилиши.  
15.00 «Қамолот хабарлари».  
15.10 «Бугундан эсдалик».  
15.30 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».

15.35 «Муъжизавий дунё».  
15.55 «Қишлоғимга хат».  
16.00 «ДАВР».  
16.10 «Даврнинг боласи».  
16.20 «Мультипанорама».  
16.30 Биология дарси. «Табиаат қирралари».  
16.40 2009 йил – Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Кишлоқдаги тенгдошим».  
16.55 «Миллий мерос».  
17.00 «KINOMANIYA».  
17.30 «Севги афсонаси». Б/ф. 1-қисм.  
18.35 Фарғона вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Кўқон уймакорлик мактаби».  
18.50 «UzEX».  
18.55 «Тафаккур чироғи».  
19.00 «ДАВР».  
19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.  
20.20 «Автопатруль».  
20.40 «Соғлик – бойлик».  
21.00 «Шерюрак». Т/с.  
21.50 «Кўнгил».  
22.00 «Давр».  
22.30 Миллий кино: «Осмондаги болалар».  
00.00 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

**ХУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР! ПРОФИЛАКТИКА МУНОСАБАТИ БИЛАН 12 ОКТЯБРЬ КУНИ «TOSHKENT» ТЕЛЕКАНАЛИ ЎЗИНИНГ КўРСАТУВЛАР ДАСТУРИНИ СОАТ 14.55 ДАН БОШЛАЙДИ.**  
14.55 Кўрсатувлар тартиби.  
15.00 «Пойтахт».

15.20 «Анонс».  
15.25 «Куз эртаги». Т/с.  
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.  
17.10 «Кундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.  
17.20 «Карвонсарой».  
17.30 «Аёл қалби».  
17.50 «Хуқуқшунос маслаҳати».  
17.55 «Телекурьер-маркет».  
18.15 «Анонс».  
18.20 «Тошкентнинг илм масканлари».  
18.30 «Пойтахт».  
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт».  
19.45 «Ўйларим».  
19.50 «Саломат бўлинг!» (рус).  
20.00 «Пойтахт». (рус).  
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.  
21.00 «Аччиқ ёлғон». Т/с.  
21.30 «Пойтахт».  
21.55 Мумтоз наволар.  
22.00 «Телекурьер-маркет».  
22.20 «Кино SMS-со звёздами».  
22.25-23.55 «Крылышко или ножка». Х/ф.

### «Sport»

**Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 12 октябрь кунини «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.**  
18.00 «Тет-а-тет».

18.10 «Баркамол авлод».  
18.30 «Хабарлар» (рус)  
18.55 Теннис. Тошкент челленжер турнири.  
20.55 «Футбол шарҳи».  
21.30 «Хабарлар»  
21.55 ИнтерФутбол.  
23.25 Баскетбол. Мустақиллик кубоғи. Финал.  
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### ТВ-МАРКАЗ

07.00-15.00 ПРОФИЛАКТИКА  
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»  
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»  
16.30 Ўзбек наволари  
17.30 «Топ-10»  
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»  
19.00 Ўзбек наволари  
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»  
22.00 «ЭЛИЗАБЕТТАУН» худфильм  
00.20 Миксер

### «ЎЗНТТ»

06.30 «Асрлар садоси»  
07.00 Тонгги наволар  
07.30 «Парламент соати»  
07.50 «Сўғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви  
08.00 «Яхши кайфият»  
08.30 Болалар соати: «Янги авлод»  
09.00 «Ёшлар» студияси кўрсатуви  
09.30 «Бриллиант қўл» б/ф  
11.00 «Кутилмаган томоша»

11.10 Хужжатли фильм  
11.35 Худудий телестанциялар лойиҳалари  
11.45 «Тарона»  
12.15 «Бизнес репорт»  
12.30 «Денгиз аждаҳоси» т/с  
13.00 «Йўқотилган йиллар» т/с  
13.30 «Ҳижрон» т/с  
14.00 Кўнгил наволари  
14.30 Оилавий экран: «Шумтақа бола» б/ф  
16.00 «Каратэчи кўппак» б/ф  
17.00 «Асрлар садоси»  
17.30 Болалар соати: «Янги авлод»  
18.00 «Ёшлар» студияси кўрсатуви  
18.25 «Ой чиқмаган окшом» в/ф (1-қисм)  
18.50 «Тарона»  
19.20 «Адашганлар қисмати» х/ф  
19.55 «Азия-лото»  
20.30 «ХУДУД» ахборот таҳлилий дастури  
20.50 «Сўғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви  
21.00 «Ҳижрон» т/с  
21.30 «Бизнес-репорт»  
21.45 Кечки мусиқий бекат  
22.00 «Йўқотилган йиллар» т/с  
22.30 «Яхши кайфият»  
23.00 Кечки кинозал: «Ажал сўқмоғи» б/ф  
00.15 «Тунги ором» мусиқий дастур  
00.30 «ХУДУД» ахборот таҳлилий дастури

СЕШАНБА, 13 ОКТАБРЬ

«O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.15 ТелеТеатр: «Диёнатга хиёнат».

19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).

«Uzbekistan»

00.00 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
00.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тулпорим».

«Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Мафтуна».

12.10 «Кунгил боғи». Т/с.
12.55 «Табиатни асрайлик!»
13.00 «ДАВР».
13.10 Тарих дарси. «Карфаген».

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.

9.30 «Пойтахт».
9.45 «Тошкентда латифа».
9.55 «Телекуррьер-маркет».
10.20 «Саломат бўлинг!» (рус).

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».

13.00 «ПроФРИНГ».
16.55 Футбол. «Пахтакор» - «Бунёдкор». Танаффусда «Тет-а-тет».

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40, 08.30, 13.50 Ўзбек наволари

«УзНТТ»

06.30 «Асрлар садоси»
07.00 Тонгги наволар
07.30 «ХУДУД» ахборот-таҳлилий дастури

07.50 «Сугдиёна» мунис аёллар курсатуви
08.00 «Янги кайфият»
08.30 Болалар соати: «Янги авлод»

ЧОРШАНБА, 14 ОКТАБРЬ

«O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.15 ТелеТеатр: «Диёнатга хиёнат».

20.15 «Сайлов - демократия кўзгуси».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».

«Uzbekistan»

00.20 «Тараннум».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»

«Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Мафтуна».

12.10 «Кунгил боғи». Т/с.
12.55 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
13.00 «ДАВР».
13.10 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. Ярим финал (Такрор)

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.

10.45 «Ҳақиқат чегараси». Т/с. (рус).
11.15 «Тупроқдаги мўжиза». Т/ф.
11.35 «Анонс».
11.40 «Сиздан угина, биздан бугина». Б/ф.

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».

18.55 Оғир атлетика. Осиё кубоғи.
19.50 «Спортлото».
20.00 Теннис. Тошкент челленжер турнири.

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»

«УзНТТ»

06.30 «Асрлар садоси»
07.00 Тонгги наволар
07.30 «ХУДУД» ахборот-таҳлилий дастури

07.50 «Сугдиёна» мунис аёллар курсатуви
08.00 «25-кадр» кинокурсатув
08.30 Болалар соати: «Янги авлод»

ПАЙШАНБА, 15 ОКТАБРЬ

«O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.15 ТелеТеатр: «Диёнатга хиёнат».

19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 «Кун мавзуси».
20.10 Т/с «Денгиздан томчи».

«Uzbekistan»

00.15 «Ҳамон ёдимда...»
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»

«Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Мафтуна».

11.50 «Қишлоқ тараққиёти».
12.10 «Кунгил боғи». Т/с.
12.55 «Табиатни асрайлик!»
13.00 «ДАВР».

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.

10.25 «Тошкентда латифа».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Ҳақиқат чегараси». Т/с. (рус).

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».

18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 «Спорт салтанати».

ТВ-МАРКАЗ

07.00, 07.40 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
08.00, 15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»

06.30 «Асрлар садоси»
07.00 Тонгги наволар
07.30 «ХУДУД» ахборот-таҳлилий дастури

**ЖУМА, 16 ОКТЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.05 «Изоҳ»  
7.10 ТелеТеатр: «Хасан Кайфий»  
7.50 «Олтин мерос»  
8.00 «Ахборот»  
8.40 «Маънавият» дастури.  
9.40 «Болалар дунёси»  
10.00 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор»  
10.20 «Кирол Сежонг». Т/с.  
11.00 «Ахборот»  
11.10 «ТВ - шифокор»  
11.15 «Кун мавзуси»  
11.25 Т/с «Денгиздан томчи»  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.55 Т/с «Турмуш чорраҳаларида»  
13.40 «Пинг ва Понг». М/с.  
14.00 «Ахборот»  
14.20 «Хонадон»  
14.45 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайёраси»  
15.40 «Минг бир ривоят»  
15.45 «Сабоқ». В/ф.  
16.00 «Кишлоқ ҳаёти»  
16.20 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.  
16.40 «Икки дарё оралиғида»  
17.00 «Ахборот»  
17.15 «Саломатлик дастури»  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»  
17.55 «Сизнинг адвокатингиз»  
18.00 «Олтин мерос»  
18.05 Т/с «Турмуш чорраҳаларида»  
18.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Диерим табиати»  
18.55 «Минг бир ривоят»  
19.00 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида»  
19.20 «ТВ - шифокор»

19.30 «Ахборот». (рус).  
20.05 Т/с «Денгиздан томчи»  
20.35 «Олтин мерос»  
20.40 «Очун»  
21.00 «Ахборот»  
21.30 «Ўзбекистон пахтаси»  
21.50 «Кирол Сежонг». Т/с.  
22.40 «Этиқдўз ва ит». Б/ф.  
23.15 «Олам ва одам» дастури: «Сув ости қайдлари»  
00.05 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
00.20 «Сабоқ». В/ф.  
00.35 «Хонадон»  
01.00 «Ахборот». (рус).  
01.30 «Салом, ёшлар!»  
02.30 «Маънавият» дастури.  
03.30 «Ўзбекистон пахтаси»  
03.50 «Очун»  
04.00 «Ахборот»  
04.35 ТелеТеатр: «Хасан Кайфий»  
05.15 «Икки дарё оралиғида»  
05.35 «Минг бир ривоят»  
05.40 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

7.00 «Салом, ёшлар!»  
8.00 Миллий кино: «Гап»  
8.25 «Рақслар гулдастаси»  
8.35 «Уйимдаги фаршам»  
8.55 «UzEX»  
9.00 «Тошкент таронаси»  
9.10 «Шерюрак». Т/с.  
9.55 «Билим ва тафаккур»  
10.00 «ДАВР»  
10.10 «Даврнинг боласи»  
10.20 «Миллий мультфильм»  
10.40 «Кичкинтойлар боғи»  
10.50 «Келажак эгалари»  
11.00 «Муъжизавий дунё»  
11.50 «Чемпион»  
12.10 «Кунгил боғи». Т/с.  
12.55 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».

жакка эътибор».  
13.00 «ДАВР»  
13.10 Тарих дарси. «Қадимги Миср»  
14.00 «Тараннум»  
14.40 «Табиатни асрайлик!»  
14.45 «UzEX»  
14.50 «Жаҳон операси». Г. Доницетти ижодидан.  
15.00 «Салом, ёшлар!»  
16.00 «ДАВР»  
16.10 «Даврнинг боласи»  
16.20 «Мультипанорама»  
16.30 Биология дарси. «Табиат қирралари»  
16.40 «Автопатруль»  
17.00 «Ўзбегим»  
17.30 «Муҳаббат риштаси». Б/ф. 1-қисм.  
18.40 «Миллий мерос»  
18.50 «UzEX»  
18.55 «Тафаккур чироғи»  
19.00 «ДАВР»  
19.30 «Кунгил боғи». Т/с.  
20.20 «Бугун»  
20.55 «Кишлоғимга хат»  
21.00 «Шерюрак». Т/с.  
21.50 «Кунгил»  
22.00 «Давр»  
22.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.  
22.50 «Ҳаёт симфонияси»  
23.00 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. Финал.  
01.00 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт»  
8.35 Мумтоз наволар.  
8.40 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
9.20 «Карвонсарой»  
9.30 «Пойтахт»  
9.40 «Премьера»  
9.55, 17.50, 22.00 «Телекурьер-маркет».

10.20 «Репортаж»  
10.30 «Пойтахт». (рус).  
10.45 «Ҳақиқат чегараси». Т/с. (рус).  
11.15 «Иқтисод-ревью». (рус).  
11.30 «Табора кўкка йўл олади». Б/ф.  
13.00 «Салом, Тошкент!»  
14.00 «Дунё» теледастури.  
15.00 «Пойтахт»  
15.25 «Куз эртаги». Т/с.  
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.  
17.15 «Кундуз амакининг хикоялари». М/ф.  
17.25 «Карвонсарой»  
17.40 «Афиша». (рус).  
18.15 «Маърифат фидоийлари»  
18.30 «Пойтахт»  
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт»  
19.45 «Саломат бўлинг!»  
20.00 «Пойтахт». (рус).  
20.25 «Аччиқ ёлгон». Т/с.  
21.00 «Интервью»  
21.10 «Эртанинг эгалари»  
21.30 «Пойтахт»  
21.55 Мумтоз наволар.  
22.25 «Случайный муж». Х/ф.

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро»  
7.50 «Тет-а-тет»  
8.00 «Хабарлар» (рус)  
8.25 «Малахов +»  
9.15 «Баркамол авлод»  
9.30 «Хабарлар»  
9.55 «Файтер». Восточные единоборства.  
10.20 «Военное дело»  
10.40 «RING»  
11.10 Теннис. Тошкент челленжер турнири.  
18.00 «Тет-а-тет»  
18.10 «Баркамол авлод»  
18.30 «Хабарлар» (рус)

18.55 Оғир атлетика. Осиё кубоғи.  
19.55 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. 3 – ўрин учун.  
21.50 «Хабарлар»  
22.10 Бокс. Халқаро турнир.  
22.50 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. Финал.  
00.50 Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**

07.00 Ўзбек наволари  
08.00, 15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»  
08.30 «Style.uz» дневник недели дизайна и моды  
09.30 Сериал «Притворщик»  
10.30 Ўзбек наволари  
11.30 «Ташландиқ» бадий фильм  
13.10 Ўзбек наволари  
14.00 «Style.uz» дневник недели дизайна и моды  
14.20 Prime time (рус)  
14.30 Ўзбек наволари  
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ»  
16.30 Ўзбек наволари  
17.30 Премьера (рус)  
18.00 Ўзбек наволари  
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»  
19.00 Ўзбек наволари  
20.00 «Тўнлар муборак»  
20.30 «STAYLE.UZ» дневник недели дизайна и моды  
20.40 Ўзбек наволари  
21.00 «Bollivud markazida»  
22.00 «PARTNYOR» хинд бадий фильми  
00.40 Миксер

**«ЎзНТТ»**

06.30 «Асрлар садоси»  
07.00 Тонги наволар

07.30 «ХУДУД» ахборот-таҳлилий дастури  
07.50 «Сугдиёна» мунис аёллар курсатуви  
08.00 «Якши кайфият»  
08.30 Болалар соати: «Янги авлод»  
09.00 «Ёшлар» студияси курсатуви  
09.30 «Ниқоб» б/ф  
11.00 Купилмаган томоша  
11.10 Ҳужжатли фильм  
11.35 Худудий телестанциялар лойиҳалари  
11.45 «Тарона»  
12.15 «Бизнес репорт»  
12.30 «Денгиз аждаҳоси» т/с  
13.00 «Йўқотилган йиллар» т/с  
13.30 «Хижрон» т/с  
14.00 Кунгил наволари  
14.30 Оилавий экран: «Торсен нишон» б/ф  
16.00 «Сув остидаги оғайнилар» мультфильм  
17.00 «Асрлар садоси»  
17.30 Болалар соати: «Янги авлод»  
18.00 «Ёшлар» студияси курсатуви  
18.30 «Даллол» б/ф  
19.30 «Тарона»  
20.00 «Денгиз аждаҳоси» т/с  
20.30 «ХУДУД» ахборот-таҳлилий дастури  
20.50 «Сугдиёна» мунис аёллар курсатуви  
21.00 «Хижрон» т/с  
21.30 «Бизнес-репорт»  
21.45 Кечки мусиқий бекат  
22.00 «Йўқотилган йиллар» т/с  
22.30 «Бун ҳаёт дейдилар»  
23.00 Кечки кинозал: «Сумқасд» б/ф  
00.30 «ХУДУД» ахборот-таҳлилий дастури

**ШАНБА, 17 ОКТЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.10 «Изоҳ»  
7.15 ТелеТеатр: «Хасан Кайфий»  
7.50 «Тонги наволар»  
8.00 «Ахборот»  
«Болалар сайёраси»  
8.40 «Оливер ва унинг дўстлари». М/ф.  
9.55 «Минг бир ривоят»  
10.00 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида»  
10.20 1. «Рангинкамон». 2. «Ди-дар»  
11.00 «Оналар мактаби»  
11.20 Т/с «Денгиздан томчи»  
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Гуллар жозибаси»  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.10 Т/с «Турмуш чорраҳаларида»  
13.50 «Ҳаёт манзаралари»  
14.00 «Ахборот»  
14.20 «Шўрданак». Ҳажвий курсатуви.  
14.50 «Минг бир маслаҳат»  
15.10 «Капалак». Б/ф.  
«Болалар сайёраси»  
16.30 «Уйла, Изла, Топ!»  
17.10 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»  
17.30 «Самарқанднинг мовий гумбазлари»  
17.45 «Назм ва наво»  
18.10 «Саломатлик сирлари»  
18.35 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи». 1-қисм.  
19.15 «Минг бир ривоят»  
19.20 «ТВ - шифокор»

19.30 «Ахборот». (рус).  
20.05 «Сайлов - демократия кўзгуси»  
20.35 «Шарқ тароналари»  
21.00 «Ахборот»  
21.30 «КиноТеатр»  
22.00 «Менинг онам». Б/ф.  
23.40 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
23.55 Миллий кино: «Қора ёл»  
01.00 «Ахборот». (рус).  
01.30 «Салом, ёшлар!»  
02.30 «Назм ва наво»  
02.55 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи»  
03.35 «КиноТеатр»  
04.00 «Ахборот»  
04.35 ТелеТеатр: «Хасан Кайфий»  
05.15 «Ҳаёт сўқмоқлари»  
05.45 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

6.55 Дастурнинг очилиши.  
7.00 «Салом, ёшлар!»  
8.00 Миллий кино: «Ҳайвонот боғи»  
8.30 «Тошкент таронаси»  
8.35 «Ҳаёт кадри»  
8.55 «UzEX»  
9.00 «Нафосат олами»  
9.10 «Шерюрак». Т/с.  
9.55 «Билим ва тафаккур»  
10.00 «ДАВР»  
10.10 «Даврнинг боласи»  
10.20 «Миллий мультфильм»  
10.40 «Сирли ўрмонча»  
11.00 «Ўзбек адабиёти»  
12.00 «Ҳаёт симфонияси»  
12.10 «Кунгил боғи». Т/с.

12.55 «Тошкент кўчалари»  
13.00 «ДАВР»  
13.10 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. Финал (Так-роп)  
14.45 «UzEX»  
14.50 «Жаҳон операси». Ж. Россини ижодидан.  
15.00 «Салом, ёшлар!»  
16.00 «ДАВР»  
16.10 «Даврнинг боласи»  
16.20 «Мультипанорама»  
16.30 «Кичкинтойлар боғи»  
16.40 «Чемпион»  
17.00 «Yoshlar-FM»  
17.30 «Муҳаббат риштаси». Б/ф. 2-қисм.  
18.50 «Кишлоғимга хат»  
18.55 «Тафаккур чироғи»  
19.00 «ДАВР»  
19.30 «Кунгил боғи». Т/с.  
20.20 «Айланай»  
20.40 «13-студия»  
21.00 «Шерюрак». Т/с.  
21.50 «Миллий мерос»  
22.00 «Давр»  
22.30 Жаҳон киноси: «Зўраки миллионер»  
00.00 «Тунги парвоз»  
00.30 Жаҳон киноси: «Телба полициячи»  
02.00 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт»  
8.35 Мумтоз наволар.  
8.40 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
9.20 «Карвонсарой»  
9.30 «Пойтахт»  
9.45 «Интервью»  
9.55 «Телекурьер-маркет».

10.20 «Саломат бўлинг!»  
10.30 «Пойтахт». (рус).  
10.40 «Ҳақиқат чегараси». Т/с. (рус).  
11.10 «Афиша». (рус).  
11.20 «Эртанинг эгалари»  
11.35 «Қочоқлар». Б/ф.  
13.00 «Салом, Тошкент!»  
14.00 «Дунё» теледастури.  
14.55 «Кинотакдим»  
15.20 «Куз эртаги». Т/с.  
16.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.  
17.00 «Кундуз амакининг хикоялари». М/ф.  
17.10 «Карвонсарой»  
17.20 «Мулоҳаза учун мавзу»  
17.50 «Хуқуқшунос маслаҳати»  
17.55 «Телекурьер-маркет»  
18.20 «Афиша»  
18.30 «Пойтахт»  
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт»  
19.45 «Мафтун»  
20.00 «Пойтахт». (рус).  
20.20 «Кишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили». Давлат дастурининг ижроси юзасидан «Тошкент ва тошкентликлар»  
21.00 «Истеъдод»  
21.25 Мумтоз наволар.  
21.30 «Пойтахт»  
22.00 «Телекурьер-маркет»  
22.25 Классика индийского кино: «Цветок в пыли». Х/ф 1-2-серии.

**«Sport»**

8.00 «Бодрое утро»  
8.50 «Хабарлар» (рус)  
9.10 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. 3 – ўрин учун.

10.50 «Хабарлар»  
11.10 Теннис. Тошкент челленжер турнири. Полуфинал.  
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Навбахор»  
18.50 «Хабарлар» (рус)  
19.15 «Фоторевю»  
19.35 Оғир атлетика. Осиё кубоғи.  
20.35 «Аёл ифори»  
20.55 «RING»  
21.50 «Хабарлар»  
21.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» - «Бунёдкор»  
23.30 Бокс. Халқаро турнир.  
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**

07.00, 07.40 Ўзбек наволари  
07.30 Prime time (рус)  
08.30 «Style.uz» дневник недели дизайна и моды  
08.40, 11.00 Ўзбек наволари  
09.30 Мультфильм  
10.30 Baby hits  
10.30 «Partnyor» хинд бадий фильми  
14.00 «Style.uz» дневник недели дизайна и моды  
14.10 Ўзбек наволари  
14.30 «Тўнлар муборак»  
15.00 Х/ф «БЕССМЕРТНЫЕ»  
16.40 Ўзбек наволари  
18.00 Prime time (рус)  
18.10 Ўзбек наволари  
19.00 «Топ-10»  
20.00 «STAYLE.UZ» дневник недели дизайна и моды  
20.10 Ўзбек наволари  
20.30 «Бизнинг мусиқа»

21.30 «Премьера» (узб)  
22.00 «БОЙ БЕЗ ПРАВИЛ» худ. фильм  
00.00-01.40 «Другая музыка»

**«ЎзНТТ»**

06.30 «Асрлар садоси»  
07.00 Тонги наволар  
07.30 «ХУДУД» ахборот-таҳлилий дастури  
07.50 «Сугдиёна» мунис аёллар курсатуви  
08.00 «Мумтоз наволар»  
08.30 Болалар соати: «Янги авлод»  
09.00 «Ёшлар» студияси курсатуви  
09.30 «Сумқасд» б/ф  
11.00 «Тарона»  
11.30 Худудий телестанциялар лойиҳалари  
11.45 Киноконцерт  
12.00 «Денгиз аждаҳоси» т/с  
14.00 «ХУДУД» ахборот-таҳлилий дастури  
14.25 «Бардош» б/ф (Хиндистон)  
17.00 «Оилангиз шифокори»  
17.10 «Асрлар садоси»  
17.30 Болалар соати: «Янги авлод»  
18.00 «Ёшлар» студияси курсатуви  
18.30 «Севишганлар» б/ф  
19.30 «Тарона»  
20.20 «Сугдиёна» мунис аёллар курсатуви  
20.30 «Дийдор ширин»  
21.30 НТТ да ҳажвия  
21.45 Кечки мусиқий бекат  
22.00 НТТда премьера: «Лакки» б/ф (Хиндистон)

**ЯКШАНБА, 18 ОКТЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**

5.55 Курсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.00 «Иқлим»  
7.05 ТВ - анонс.  
7.10 Миллий кино: «Галате-палик авлиё»  
7.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Куйёшли ўлка»  
7.45 «Тонги наволар»  
8.00 «Ахборот»  
8.35 ТВ - анонс.  
«Болалар сайёраси»  
8.40 «Бизнинг кутубхона»  
8.50 «Сехрланган бола». М/ф.  
9.35 ТВ - анонс.  
9.40 «Боқий Самарқанд»  
10.00 «Саломатлик сирлари»  
10.20 «Минг бир хунар»  
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
11.20 «Ҳамон ёдимда...»  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.00 «Иқлим»  
13.05 ТВ - анонс.  
13.10 «Очиқ дастурхон»  
13.40 Хинд киноси: «Мунна-бой бўли қолинг»  
«Болалар сайёраси»  
16.05 «Ёқимтой панда». М/ф. Премьера.  
17.15 «Бир кун»  
17.40 «Оханрабо»  
18.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм.

19.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Табиаат билан юзма-юз»  
19.20 ТВ - анонс.  
19.25, 20.55 Эълонлар.  
19.30 «Таҳлилнома». (рус).  
20.00 ТВ - анонс.  
20.05 Т/с «Денгиздан томчи»  
20.35 «Очун»  
20.45 «Кунгил кўшиқ истайди»  
21.00 «Таҳлилнома»  
21.40 «Азизим»  
22.10 ТВ - анонс.  
22.15 «Мойчечак». Б/ф.  
00.10 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
00.15 Курсатувлар дастури.  
00.20 «Оханрабо»  
01.00 «Таҳлилнома». (рус).  
01.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
02.15 «Боқий Самарқанд»  
02.35 «Минг бир хунар»  
02.50 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи»  
03.30 «Очиқ дастурхон»  
04.00 «Таҳлилнома»  
04.40 Миллий кино: «Ганг дарёсининг қизи»  
05.50 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

6.55 Дастурнинг очилиши.  
7.00 «Бугун»  
7.30 «Табассум қил!»  
8.00 Миллий кино: «Танка»  
9.10 «Унутилмас оҳанглар»  
9.40 «Соғлик - бойлик»  
10.00 «Ватанпарвар».

10.40 «Шерюрак». Т/с.  
11.25 «Билим ва тафаккур»  
11.30 «Куйёв». Спектакль.  
12.50 «Тошкент таронаси»  
13.00 «Инсон психологияси»  
13.30 «Эртақлар оламида»  
14.50 «Болалар табассуми»  
15.00 «Камолот хабарлари»  
15.10 «Айланай...»  
15.30 Киноклассика: «Иван Васильевич касбини ўзгартиради»  
17.00 «Экрандаги олабўжи»  
17.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.  
17.50 «Самовий ишқ». Т/с.  
18.50 «Миллий мерос»  
19.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.  
19.30 «Ўзғор мактаби»  
20.00 «Тараннум»  
20.40 «Кўзгу». Ҳажвия.  
21.00 «KINOMANIYA»  
21.30 «Ёмғирлар мавсуми». Б/ф.  
00.00 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

7.25 Курсатувлар тартиби.  
7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт»  
8.35 Мумтоз наволар.  
8.40 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
9.20 «Карвонсарой»  
9.30 «Пойтахт»  
9.40 «Уйларим»  
9.45 «Наманган олмаси». Т/ф.  
9.55 «Телекурьер-маркет»  
10.20 «Афиша»  
10.30 «Пойтахт». (рус).  
10.40 «Анонс»  
10.45 «Жигарбандим ёди». Б/ф.

12.15 «Саргузаштлар ороли»  
12.40 «Истеъдод»  
13.00 «Салом, Тошкент!»  
14.05 «Чеча». Ўзбек Давлат драма театрнинг спектакли.  
15.40 «Телекурьер-маркет»  
16.00 «Ур, тўқмоқ!» М/ф.  
16.10 «Карвонсарой»  
16.20 «Болаликка қайтиб»  
16.40 «Анонс»  
16.45 «Тошкентда латифа»  
16.50 «Прицилар оиласининг шайни». Б/ф.  
18.50 «Анонс»  
18.55 «Нима учун?»  
19.35 «Телекурьер-маркет»  
19.55 «Анонс»  
20.00 «Тошкент оқшомлари»  
20.25 Мумтоз наволар.  
20.30 «Туризм ҳақида». (рус).  
21.00 «Кино SMS со звездами»: «Призрак», «Телохранитель», «Ноттинг Хилл».

**«Sport»**

8.00 «Бодрое утро»  
8.50 «Тет-а-тет»  
9.00 «Хабарлар» (рус)  
9.20 «Кувноқ стартерлар»  
10.00 «Хабарлар»  
10.25 «Соғлом оила»  
10.50 «Аёл ифори»  
11.10 «АВТОГраф»  
11.30 «Аптека слушаёт»  
12.25 Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. Финал.  
14.00 Теннис. Тошкент челленжер турнири. Финал.  
17.05 Экстремал спорт мусобақаси: «Пахлаволар беллашуви».

18.00 «Жасур болалар»  
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.  
19.05 «Спорт - менинг ҳаётим»  
19.40 ИнтерФутбол.  
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий курсатуви.  
22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Локомотив» - «Насаф»  
23.40 «ПроФРИНГ»  
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**

07.00 Ўзбек наволари  
08.30 «Style.uz» дневник недели дизайна и моды  
09.30 Мультфильм  
10.30 «Baby Terra Landiya»  
11.00 «Jannat Makop»  
11.30 «Бой без правил» худ. фильм  
13.30 Ўзбек наволари  
14.00 «Style.uz» дневник недели дизайна и моды  
14.10 Ўзбек наволари  
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»  
17.00 Ўзбек наволари  
17.30 «M-files»  
18.00 Prime time (рус)  
18.10 Ўзбек наволари  
20.00 «STAYLE.UZ» дневник недели дизайна и моды  
20.10 Ўзбек наволари  
20.30 «Кинокурьер»  
21.00 Ўзбек наволари

21.30 «Премьера» (рус)  
22.00 «ПЯТОЕ ИЗМЕРЕНИЕ» худ.фильм  
00.10 Миксер

**«ЎзНТТ»**

06.30 «Асрлар садоси»  
07.00 Тонги наволар  
07.30 «Лакки» б/ф (Хиндистон)  
10.15 «Тарона»  
10.35 «Дийдор ширин»  
11.35 «Сукунат тугёнлари»  
12.00 «Йўқотилган йиллар» т/с  
14.00 «ХУДУД» ахборот-таҳлилий дастури  
14.30 Худудий телестанциялар лойиҳалари  
14.45 «Хижрон» т/с  
17.00 «Асрлар садоси»  
17.30 Болалар соати: «Янги авлод»  
18.00 «Ёшлар» студияси курсатуви  
18.30 «Семурғ» х/ф  
19.40 «Тарона»  
20.10 «Сугдиёна» мунис аёллар курсатуви  
20.20 «Юрт мадҳи» мусиқий дастур  
20.30 «Парламент соати»  
2

Хар қандай демократик давлатда сайловлар энг муҳим конституциявий-ҳуқуқий институт ҳисобланади. Унинг халқаро эътироф этилган қондалар асосида, адолатли, ошқора ўтказилиши демократик принципларнинг амалий намоёни бўлади. Конституциямизнинг 32-моддасига мувофиқ, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Мустақиллик йилларида республикада сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизим изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг илғор демократик принциплар асосида сайлов қонунчилиги яратилди. Жумладан, Конституция ва сайлов тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига халқаро ҳуқуқнинг сайловга оид илғор нормалари имплементация қилинди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг сайлов ҳуқуқига оид нормалари Конституциямизда ўз ифодасини топди. Унга мувофиқ, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғоти Кенгеси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги тобора кучайиб бораётганини ўтган сайловлардаги иштироки ва сайловлар натижаларига қизиқишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунки мамлакатимиз фуқаролари сайловнинг жамият ҳаётида муҳим мезон эканини тобора чуқур англаб бормоқда. Мустақиллик даврида халқимизнинг ижтимоий ҳаёт, давлат ва жамият бошқарувида муносабати тубдан ўзгарди. Демократик тафаккур илдиз отди ва шаклланди. Бунда, албатта, мамлакатимиз ҳаётида муқаддам амалга оширилган сайлов жараёнлари, уларнинг тарғиботи, хулосалари ҳамда сайлов қонунчилигининг такомиллашиб бораётгани алоҳида аҳамият касб этади.

шароит яратади. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги ва сайлов маданиятини оширишга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти барча тармоқларининг барқарорлиги, самарали ишлаши ва амалий ҳамкорлигини таъминлаш имконини беради.

Ўтказилган сайловлар натижасида эркин ва адолатли сайлов ўтказиш бўйича

роф этилган халқаро принциплар асосида доимий равишда такомиллашиб бормоқда. 2008 йил 25 декабрда «Сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонунларга киритилган янги 171-моддага қўра, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод-

ларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонунларга киритилган янги 171-моддага қўра, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод-

дир. Илгари сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камда олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиши тўғрисидаги талаб эндиликда тўрт ойлик муддат билан алмаштирилди. Сиёсий партия ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камда эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги талаб қирқ минг сайловчи имзосига туширилди. Бу сиёсий партиялар учун муайян қулайликни вужудга келтиради.

Мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос, очик, ошқора сайловларни ўтказишга имконият яратадиган, жамиятда кўппартиявийлик тизimini янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, замон талабларига жавоб берадиган демократик сайлов қонунчилиги шаклланиб бормоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида қонунчилик муҳим тараққиёт босқичини босиб ўтди. Фуқароларнинг сайлов жараёнида иштирокини таъминлайдиган қонунчилик жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-маданий тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланди, ундаги ўзгаришларни, ютуқларни ўзида бевосита акс эттирди. Сайлов қонунчилиги жаҳондаги илғор сайлов жараёни ва тажрибалари асосида шаклланди ва улардаги энг муҳим ғояларни ўзида мужассамлаштирди. Халқаро андозалар ва умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар сайлов тўғрисидаги қонунларни такомиллаштиришга асос бўлди. Сайлов жараёнларининг ҳуқуқий асослари халқ ҳокимиятчилиги ва демократиянинг мустаҳкамланишига, фикр эркинлиги, соғлом баҳс-мунозара асосида сиёсий ҳаётни қуриш ва уни такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Олимжон НУРМУҲАММЕДОВ,**  
Адлия вазирлиги  
Маъмурий ва ижтимоий  
қонунчилик  
бошқармасининг бош  
маслаҳатчиси.

## ЭНГ МУҲИМ СИЁСИЙ ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда вилоят, шаҳар, туман Кенгаши сайловларига оид қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги тизимига Конституция ҳамда қуйидаги қонунлар кирди:

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонун.

Бундан ташқари, ушбу масалани у ёки бу маънода тартибга соладиган «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида», «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунларни ҳам шулар жумласига киритиш мумкин.

Миллий сайлов қонунчилиги биринчидан, икки палатали парламент ҳамда бошқа сайланадиган органлар шаклланиши ва сайланишининг демократик, ҳуқуқий асосларини яратиб беради. Иккинчидан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинликлари амалга оширилишини кафолатлайди. Учинчидан, сайловни ўтказишда кўппартиявийлик тизими ва фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини таъминлайди. Тўртинчидан, парламентда аҳоли ва минтақаларнинг кенг вакиллиги учун

катта тажриба тўпланди. Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши, сиёсий партияларнинг сиёсий жараёнлардаги салоҳиятининг ошиб бориши алоҳида аҳамият касб этди.

Агар 1994 йилги биринчи қақриқ Олий Мажлисга сайловларда атиги икки сиёсий партия — Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва «Ватан тараққиёти» партияси ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик органларидан депутат сайланган бўлса, 1999 йилги парламент сайловида партия сиёсий партия қатнашди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, «Адолат» социал демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда «Фидокорлар» миллий демократик партияси ўзаро кураш олиб борди. Ушбу сайловлар натижасида сиёсий партиялардан сайланган депутатлар умумий депутатлар сонининг 45 фоизини ташкил қилган. 2004 йилги Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловларда 5 та сиёсий партия иштирок этди. Ушбу сайловлар натижасида сиёсий партиялар вакиллари парламент қуйи палатасида 88,4 фоизни ташкил қилди.

Мамлакатимизда сайлов қонунчилиги миллий менталитетимиз ҳамда умумэти-

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари 120 тадан 150 тага оширилди. Бунда 135 та ўринни сиёсий партиялардан кўппартиявийлик асосида бир мандатли округларда сайланадиган депутатлар эгаллайди. Қонунчилик палатасининг ўн беш депутатлик ўрни Ўзбекистон экологик ҳаракатига берилади.

Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш мақсадида қабул қилинган мазкур қонунда назарда тутилган ўзгаришларга мувофиқ, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти бекор қилинди. Эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга. Шундан келиб чиқиб, Қонун сиёсий партияларнинг сайловларда иштирокини янада фаоллаштиришга қаратилган, деб бемалол айтиш мумкин.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов жараёнидаги иштироки бекор қилиниши ҳам ўзига хос янгилик. Ушбу жараёни сиёсий партиялар учун яратилган катта имконият дея баҳолаш мумкин.

Сайлов қонунчилигининг такомиллашуви муносабати билан сиёсий партияларга сайлов участкасида овоз-

лар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли. Ваколатли вакиллар овозларни санашнинг ҳаққонийлигини таъминлайди. Бу янги норма сайловларнинг янада адолатли ўтишини таъминлашга қаратилган.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзодлар ишончли вакиллари сонининг беш нафардан ўн нафаргача оширилгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишларининг муваффақиятли кечишини таъминлайди, ҳар бир номзоднинг имкониятларини кенг очиб беришга хизмат қилади. Бундан ташқари, ишончли вакилларда сайлов округининг бутун худуди бўйлаб сайловолди тарғибот-ташвиқотини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Аксарият сайлов округларининг катта ҳудуд ва кўп сонли аҳолини қамраб олишини инobatга олсак, бу ўзгаришлар ижобий натижа бериши табиийдир.

Сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига бўлган талабларнинг энгиллаштирилиши ҳам ушбу сайловнинг ўзига хос жиҳати-

### БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

## СТАДИОНДА ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Маданият ва спорт ишлари вазирининг (Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 сентябрда 1550-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) буйруғи билан Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомга киритилган ўзгаришларга мувофиқ, жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқармасининг ваколатли органи спорт иншоотларининг паспортлаштириш ва сертификатлаштириш функциясини спорт иншоотларининг техник параметрларини таҳлил қиладиган, спорт иншоотлари ҳужжатларини кўриб чиқиш ва уларнинг тоифасини тасдиқлаш учун уларни сертификатлаштириш бўйича комиссияга тақдим этадиган, сертификат ва спорт иншоотларидан фойдаланишга доир паспортни белгиланган тартибда берадиган ўзининг тегишли ташкилотига юклайди. Сертификат ва паспортни расмийлаштирганлик ва берганлик учун белгиланган ставкалар бўйича ҳақ ундирилади. Спорт иншоотлари худудида алкоғолли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотиш, истеъмол қилиш ва реклама қилиш тақиқланади.

Буйруқ 2009 йил 29 сентябрдан кучга кирган.

Ушбу саволга Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ катта инспектори, капитан Аҳром АРЗИЕВ жавоб беради:

Автотранспорт воситаси эгаси ва сотиб олувчи нотариал идорага келганда улар қуйидаги ҳужжатларни олиб келишлари шарт:

1. Автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси;
2. Агар автотранспорт воситаси эгасининг турмуш ўртоғи бўлса ва транспорт воситаси уларнинг турмуш даврида сотиб олинган бўлса, турмуш ўртоғининг (эри ёки хотинининг) автотранспорт воситасини сотишга розилик аризаси керак бўлади. Бу ариза худди шу нотариал идорада ёки бошқа нотариуслар томонидан тасдиқланган бўлиши мумкин.

Нотариал идорага мурожаат қилган сотувчи ва олувчининг шахси уларнинг паспорти бўйича аниқланади.

Агарда автотранспорт воситаси сотувчига ҳада шартномаси ёки мерос тариқасида тегишли бўлса юқорида кўрсатиб ўтилган эри ёки хотинининг розилиги талаб этилмайди. Шу билан бирга, автотранспорт воситаси

Автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш, яъни сотиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Тоҳир Аширов,  
Тошкент шаҳри.

ҳада ёки мерос тариқасида яна бошқа шахсларга (яъни ака-укалар, она-оталарга) ҳам тегишли бўлса, улар ҳам битимни нотариал тартибда расмийлаштиришда иштирок этишлари шарт бўлади. Автотранспорт воситаларини яқин қариндошлар ўртасида ҳада шартномалари ва фойдаланиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи билан берилган ишончномаларни расмийлаштиришда томонларнинг қариндошлигини белгилувчи ҳужжатлар талаб этилади.

Шунингдек, автотранспорт воситасини тасарруф этиш шартномалари нотариал тартибда расмийлаштириладиган вақтида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан агрегатлари текширилганлиги ҳақида маълумотнома олинади, яъни транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига те-

гишли белги қўйилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги «Автотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 38-сонли қарори асосида автотранспорт воситалари билан боғлиқ бўлган барча шартномалар ва сотиш ҳуқуқи билан бериладиган ишончномалар тегишли нотариал идорадан транспорт воситасига тақиқ қўйилган-қўйилмаганлиги текширилганидан сўнг расмийлаштирилади ҳамда 2006 йил 1 июлдан бошлаб автотранспорт воситалари билан боғлиқ барча шартнома ва ишончномалар фақат қатъий ҳисобда турадиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади.

# ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

25 октябрь – Ички ишлар идоралари ходимлари куни олдида

**Бугунги кунда ички ишлар идоралари сафларида Ватанимиз манфаатларига садоқатли, муносиб ўғил-қизларимиз халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини асраш йўлида мураккаб вазифаларни адо этиб келмоқда.**

**Ислон КАРИМОВ.**

Мамлакатимиз ўз мустақиллиги ва суверенитетини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди. Ўтган давр ичида эл тинчлиги, юрт осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида қатор ижобий натижалар қўлга киритилди ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Бу аввало, мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ўтказилаётган кенг қамровли ислохотлар мевасидир, деб бемалол айта оламиз. Чунончи, республикамиз ички ишлар идоралари фаолияти ана шу ўзгаришлар самараси ўлароқ янада такомиллашиб бораётганини эътироф этиш жоиз. Энг муҳими, эл-юрт осойишталигини сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги шарафли ва ғоят масъулиятли хизматимиз ҳуқуқимизнинг тинчлик ва осойишталиги билан биргача, ҳам зарур алоқа воситалари, компьютер техникаси билан таъминланган, замонавий мебеллар билан жиҳазланган, камида учта хонадан иборат милиция таянч пунктлари қад ростлади. Айни дамда уларнинг сони уч ярим мингдан зиёд. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан бир бинода ёки ёнма-ён жойлашган ушбу масканларда профилактика инспекторлари маҳалла оқсоқоллари, яраштириш комиссияси аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, посбонлар билан баҳамжиҳат фаолият кўрсатишмоқда. Эндиликда милиция таянч пунктлари фуқароларнинг мушуқлини осон, узоғини яқин қилмоқда, шу ернинг ўзида одамларнинг анча-мунча ҳуқуқий муаммолари ҳал этилмоқда.

Юрт бош имизнинг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига йўлаган байрам табригида таъкидланганидек: «...Ана шундай юксак мақсад-муддаоларга эришиш учун истиқлол йилларида юртимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди.

Ички ишлар идораларининг юқоридан қуйиғача бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бутунлай янги асосда шакллантирилди, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди. Бундай ўзгариш ва ислохотлар биринчи галда уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафика қарши курашни кучайтиришга, тезкор-қидирув хизматла-

ри ва тергов бўлинмаларини мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, пост-патруль хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва профилактика хизмати ролин ошириш, шунингдек, республикада ёнғин хавфсизлиги тизимини қайта кўриб чиқишга қаратилганини таъкидлаш зарур.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу вазифаларни амалга ошириш ички ишлар идораларининг қиёфаси ҳамда улар фаолиятининг маъно-моҳиятини принципиал жиҳатдан ўзгартиришга хизмат қилди».

Ислохотлар туфайли ички ишлар идораларининг энг етакчи хизмат ва бошқармаларининг фаолияти жаҳон андозаларига мос равишда такомиллаштирилди.

Шу ўринда биргина ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматида амалга оширилган ўзгаришларни бир кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Ушбу соҳавий хизматда ислохотлар бошлангандан олдин ўша пайт атамаси билан айтганда, участка нозирларининг аксарияти ҳеч қандай қулайликларга эга бўлмаган кўримсиз хоналарда ишлашарди. Бугунги кунга келиб юртимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто энг чекка қишлоғу овулларида ҳам зарур алоқа воситалари, компьютер техникаси билан таъминланган, замонавий мебеллар билан жиҳазланган, камида учта хонадан иборат милиция таянч пунктлари қад ростлади.

Айни дамда уларнинг сони уч ярим мингдан зиёд. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан бир бинода ёки ёнма-ён жойлашган ушбу масканларда профилактика инспекторлари маҳалла оқсоқоллари, яраштириш комиссияси аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, посбонлар билан баҳамжиҳат фаолият кўрсатишмоқда. Эндиликда милиция таянч пунктлари фуқароларнинг мушуқлини осон, узоғини яқин қилмоқда, шу ернинг ўзида одамларнинг анча-мунча ҳуқуқий муаммолари ҳал этилмоқда.

Кўз тегмасин: замонавий тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз яратувчилик меҳнати билан банд. Юртимиз кундан-кунга чирой очмоқда, давлатимизнинг иқтисодий салоҳияти, жаҳондаги обрў-эътибори, нуфузи тобора ортмоқда. Ўзбекистонимиз жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари билан бўйлаш-

моқда, улар билан дўстона алоқаларни ўрнатиб, турли соҳаларда ҳамкорлик қилиб келаяпти. Албатта, мана шундай фаровон, тинч, осойишта кунларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Ўтган йиллар давомида юртимизда рўй берган нохуш воқеалар, диний экстремистик оқимларнинг малайлари ва бир гуруҳ ватанфурушларнинг чойчақасига учган ғаламис кимсалар томонидан амалга оширилган кўпуровчилик ҳаракатлари ички ишлар хо-

вий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда эл тинчлиги, юрт осойишталигини таъминлашда юксак касб маҳоратини намойиш этиб, зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажариб келмоқдалар.

Шу ўринда айтиш лозимки, бу ғоят масъулиятли ва мураккаб вазифаларни талаб даражасида бажариш кўп жиҳатдан ички ишлар идораларининг моддий-техника базасига боғлиқ. Бу борада вазирилик ва унинг қўйи бўғинлари томонидан талай

этилиши билан етук мутахассис кадрлар етиштириб чиқаришга эришилди.

Жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш осон иш эмас. Бунинг учун ички ишлар ходими аввало, жисмонан чирик, соғлом ва бақувват бўлиши билан бирга, касбий ҳамда жанговар тайёргарликни пухта эгаллаган бўлиши лозим. Бу борада республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти ва унинг қўйи бўғинлари томонидан зарур чора-

тадбирлар амалга оширилмоқда. Булардан ташқари, ходимларнинг жанговар шайлигини янада кучайтиришда ИИБ ва унинг жойларидаги ИИБларининг тегишли хизматлари томонидан спортнинг кўпкураш, қўл жанги каби турлари бўйича мусобақалар, кўриктанловлар ташкил этилаётгани қўл келаяпти.

Энг асосийси, ички ишлар ходими Конституция ва қонунларни яхши билиши, уларга риоя қилмаётганларга нисбатан муросасиз бўлмоғи лозим. Чунки, қонунларни билмаслик ёки уларга амал қилмаслик жиноятчиликнинг кўпайишига сабаб бўлади. Ҳар бир ходим қонунларни яхши ўзлаштириши билан бирга, уларни кенг омма ўртасида тарғиб этиши керак. Шунингдек, соҳа ходимлари миллий истиқлол мафқурасидан озикланиши, азалий қадриятларимизни чуқур ўрганишлари мақсадга мувофиқдир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Фақатгина чинакам маърифатли одам инсонийликни, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин».

Кўриб турибдики, фақат маърифатли жамиятдагина миллий туйғу, она-Ватанга муҳаббат, садоқат ҳисси мутлақлашиб боради. Ўзгаришлар, ислохотлар мамлакатни обод ва фаровон бўлишига замин яратади.

Ички ишлар ходимининг иш самараси кўп жиҳатдан фуқаролар билан муомала одобиининг қай даражада шаклланишига боғлиқ. Ички ишлар идоралари вакилининг инсонлар муомаласи ва муносабатларининг асо-вий мезони барчага баробарлик, инсонийлик ва адолат тамойилларига амал қилиш билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, ички ишлар тизимида аҳоли билан доимо мулоқотда бўлувчи профилактика инспекторлари, пост-патруль, йўл-патруль

хизматлари ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилади. Уларнинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракати, фуқароларга нисбатан муносабати бутун ички ишлар тизимига нисбатан халқнинг баҳоси нечоғлик бўлишини ифодалайди. Шунинг учун ҳам ушбу соҳавий хизматлар вакилларининг оилада, кўча-кўйда, хизмат пайтида ўзини тутиши, давлат ва юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун қўя олиши фазилати юқори даражада бўлиши лозим.

Президентимиз «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак» номли асарда таъкидлаганларидек: «Биз тинчлик ва осойишталикни, озодлик ва адолатни юксак кадрлайдиган, тарихнинг барча оғир синовларидан мардона ўтиб, ҳамиша мағрур бўлиб яшашга ўрганган халқимиз. Биз – Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур сингари буюк зотларнинг авлодлари, ўз она юртимизда озод ва мустақил яшашга ҳақлимиз. Ватанимизни кўз қорачигидай асраб, элимиз, юртимиз шаънини, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашга муносибимиз.

Энг муҳими, қалбимизда гуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз».

Айни пайтда осойишталик посбонларининг замонамиз тинч деб хотиржамликка берилишларига асло ҳақлари йўқ. Зеро, бугунги тинчлик-осойишталигимизни кўра олмайдиган кучлар ҳам йўқ эмас. Қолаверса, аксар хавф-хатарлар ортиқча хотиржамликка берилишдан, локайдликдан келиб чиқади. Шундай экан, давр ички ишлар идоралари ходимларидан ҳамиша хушёр, сергақ бўлишни, мамлакат тинчлиги, осойишталигини, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида фидойилик кўрсатишларини, юрт манфаатини ҳамма нарсадан устувор деб билишларини, мамлакатнинг нури истиқболи йўлида ҳалол, сидқидилдан хизмат қилишларини тақозо этади.

Ишончим комилки, бу юксак масъулиятни дилдан ҳис этган ходимларимиз, ўз олдларига қўйилган вазифаларни виждонан адо этиб, кўзланган натижаларга эришиб, осойишталик посбони деган улғу номни шараф билан оқлайдилар.

**Қобилжон ШОКИРОВ,**  
капитан.



**Ички ишлар ходими Конституция ва қонунларни яхши билиши, уларга риоя қилмаётганларга нисбатан муросасиз бўлмоғи лозим.**

димларини ҳар тарафлама жиддий синовлардан ўтказди. Соҳа ходимлари азиз жонларини қурбон қилиб бўлса-да, Ватанимиз осойишталигини сақлаб қолишди. Осойишталик посбонларининг фидойилиги, машаққатли хизматлари Юртбошимиз ва ҳуқуқимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинаёпти. Қанчадан-қанча мард, бурчига садоқатли ҳамкасбларимиз кўксини бугунги кунда Ватанимизнинг юксак мукофотлари беэзаб турибди. Шу билан бирга, намунали хизмат қилиб ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, жиноятчиликка қарши кураш ва осойишталикни таъминлашга ҳисса қўшаётган соҳа фидойилари республика Ички ишлар вазирининг буйруғига биноан «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони билан тақдирланишмоқда.

Ҳақиқатан ҳам тизим ходимлари мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, фуқароларнинг конституция-

ишлар амалга оширилди. Хусусан, профилактика, йўл ҳаракати хавфсизлиги, пост-патруль ва бошқа хизматларга «Матиз», «Дамас», «Нексия» русумли замонавий автомашиналар ажратилди. Шунингдек, соҳавий хизматларнинг компьютер техникаси ва зарур алоқа воситалари билан таъминлангани хизмат самарадорлигининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг сафларини мустаҳкамлаш борасида юксак малакали, профессионал кадрлар тайёрлаш масаласи ҳуқуқимиз ва вазирилик раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Чунончи, республика Ички ишлар вазириликнинг олий таълим муассасалари – Академия, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ва Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Академияда Сержантлар таркибининг тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил

Коровулбозор вилоятнинг чўл худудида жойлашган чекка туманларидан ҳисобланади. Бу ерда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушгач, ҳудуд янада кўркам ва обод бўла бошлади. 187-милиция таянч пункти жойлашган Ал-Бухорий номли маҳаллада бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Ёзда куш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган, қишда эса хувиллаган қаҳратони юз-кўзларни чимчилайдиган яйдоқ чўл бағрида бундай биноларнинг барпо этилиши мўъжизага ўхшайди. Замонавий милиция таянч пунктининг икки қаватли биноси салобат бахш этиб турибди. Унинг атрофида қурилган маиший хизмат шохобчалари, спорт мажмуаси, сув ҳавзаси, замонавий усулда барпо этилган уйлар ҳавас қилса арзигулик. Маҳалла аҳли асосан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат қилади.

– Маҳалла фуқаролар йиғини билан битта бинода фаолият юритаётганимиз аҳолига яқинроқ бўлиш, одамлар кўнглига йўл топишда қўл келаяпти, – дейди профилактика катта инспектори,

майор Элмурод Рўзиев. – Бу эса ўз навбатида жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани сабабли жорий йилнинг ўтган даврида худудда жиноятлар сони анча камайди. Лекин товламачилик, гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳолатлар ҳамон учраётгани осойишталик посбонларини хизматда янада хушёр бўлишга ундамоқда. Йилнинг ўтган даврида 170 та турли ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Бунда Э. Рўзиев билан ёнма-ён хизмат қилаётган ёш ходим, профилактика инспектори, лейтенант Миршод Бадалов ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тuzилмаси раҳбари Феруз Дўстовнинг муносиб ҳиссаси бор.



## ОБОД МАСКАН ОДАМЛАРИ

Худудда истиқомат қилаётган ўн бири киши ички ишлар идораси назоратига олинган. Муқаддам судланган, оиласида мунтазам низо чиқарадиган ва сурункали спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи шахслар осойишталик посбонларининг доимий эътиборида.

– Майор Элмурод Рўзиев муомаласи, ҳар қандай инсон билан тил топа оли-

ши, кези келганда қатъий ва талабчанлиги билан муаммоларни ҳал этишда бизга яқиндан ёрдам бераёпти, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жумагул опа Абдужалилова. – Шунинг учун бўлса керак, жорий йилнинг ўтган даврида бирорта ҳам оила ажрашишига йўл қўйилмади.

Милиция таянч пункти биносидан касаначилик мар-

кази ишлаб турибди. Бу ерда 92 нафар аёл нефтни қайта ишлаш заводи ишчилари учун қўлқоп, шунингдек, буюртма бўйича чойшаб, кўрпа, ёстиқ ва бошқа уй жиҳозларини тайёрлашмоқда. Бундан ташқари, сартарошхона, тикиш-бичиш цехи, телевизор тузатиш устaxonаси, гўзаллик салони ва этикдўзлик дукони фаолият кўрсатмоқда.

Маҳаллада бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. Яқинда Абдуҳолик Фиждувоний кўчасидаги ер ости электр тармоғининг бир қисми янгиланди. Амир Темур, Бухоро, Мустақиллик кўчаларидаги ички йўллар жорий таъмирланди. Бундан ташқари, сув келадиган новлар тозаланди. Бинолар атрофидаги ноқонуний қурилишлар бузиб ташланди. Бундай юмушлар тадбиркорларнинг ҳомийлиги, профилактика инспекторлари ва маҳалла оқсоқоллари бошчилигида ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда.

Бош ҳомийликни, албатта, йирик саноат корхонаси – Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ўз зиммасига олган. Унинг шарофати билан жорий йилда 24 та замонавий турар-жой биноси қад ростлади. Мустақиллик байрами арафасида бу уйларнинг 16 тасига маҳаллада яшовчи завод ишчилари кўчиб ўтишди. Хуллас, ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда ва эл тинчлигини таъминламоқда.

**Миржон РАҲМОНОВ,**  
майор.  
**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**  
Бухоро вилояти.

### ЙЎЛ ИНТИЗОМНИ ЁҚТИРАДИ

## ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

**Инсониятнинг буюк ихтиролари туфайли бугунги кунда турли техникалар инсон хизматида. Демак, улардан ўринли фойдаланиш, кези келганда хавфсизлик чораларини унутмаслик талаб этилади.**

Минг афсуски, оғиримизни енгил, узогимизни яқин қилиб келаётган айрим транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан йўл қоидалари қўпол тарзда бузилиши туфайли кўплай кўнгилисиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Оқибатда айрим юрtdошларимиз ҳаётдан бевақт кўз юмиша-пти. Улар орасида болаларнинг ҳам борлиги ачинарлидир.

Масалан, Хонобод шаҳрида яшовчи А. Қурбонали «Нексия» русумли автомашинасида «Хонобод-Андижон» йўлининг Ҳасанқовоқ қишлоғи худудидан ўтган қисмида ҳаракатланаётиб, йўлнинг қатнов қисмига югуриб чиққан 1-синф ўқувчиси Я. Кимсанбоевни уриб юборган. Натijaда болакай оғир тан жароҳати олиб, касалхонага келтирилган. Афсуски, шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари бехуда кетган. Шунингдек, Бештол қишлоғида яшовчи Х. Шоҳруҳ тегишли ҳужжатларсиз, қўшнисига тегишли бўлган «Дамас» русум-

ли автомашинани Ёрқишлоқ худудидан бошқариб бораётиб икки ёшли С. Нозимни уриб юборган. Бунинг оқибатида у тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.

Бу каби кўнгилисиз ҳодисаларнинг рўй беришига биз, катталар ҳам айбдоримиз. Чунки назоратдан қолган болалар йўл қоидаларига риоя қилишни унутиб қўймоқдалар. Шу боис ота-оналар, катта ёшдагилар уларни хушёрликка чақириб, йўл қоидаларига қатъий амал қилишга даъват этсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ИПХ ходимлари, туман автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгаши ва халқ таълими бўлими ходимлари ҳамкорликда жойларда ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар ўтказиб келишмоқда.

Бугунги кунда инсон ҳаётини транспорт воситасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин салгина эҳтиётсизлик ёки бепарволик фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам асло унутмаслик керак. Шу боисдан, «Йўл қоидаси – умр фойдаси» деган ақлдага амал қилиш зарур.

**Маматхон ЖЎРАКУЛОВ,**  
катта сержант.

Андижон вилояти.

### ТЕЗКОР ХОДИМ ФАОЛИЯТИДАН

**Самарқанд шаҳрида яшовчи Имом Абдурахимов болаликдан эрка ўсиб, оғир ишдан бўйин товлайдиган дангаса бўлгани учун бирор жойда ёлчитиб ишламади. Аммо яхши яшаш орзусида бўлди. Бунинг учун ҳалол меҳнат қилиш ўрнига ўғрилиқ қилиб, қамалиб чиқди. Бу жазодан хулоса чиқармай, яна бекорчиликни ўзига «касб» қилиб олди. Хотини ва фарзандини боқиб учун яна «эски ҳунари»ни ишга солиб, ўғрилиқ қилади ва уйига келмай қўяди. Ички ишлар ходимлари уни қидиришаётганини билиб, Оқдарё туманидаги Даҳбед қўрғонига келиб, яширинча ижарада яшай бошлайди.**

## НОБАКОР ЖИЯН

Ётиб еганга тоғ чидамайди, дейишади. Топиш-тутишининг тайини бўлмаган Имом икки-уч кун яшириниб ётиб, тунда «овга» чиқади. У ҳеч иккиланмай яқин орадаги қишлоқда яшайдиган тоғасининг уйига томорқа орқали кириб, тўрт бош қўйни ўғирлаб кетади. Бозорда сотиб, уйига яширинча бориб, оиласига пулнинг бир қисмини ташлаб келади.

Нобакор жиян тоғасини қақшатиб, тўйга атаб боқаётган қўйларини ўғирлашдан ор қилмай, энди танишлариникига «хужумга» ўтади. Эски ошнасининг мол боқшини яхши биларди. Дўстини кўриш баҳонасида меҳмонга боради. Унинг бахтига уйда фақат дўсти бўлади. Хотини болалари билан бир қариндошиникига кетишганди.

– Э, қара ошна сен келаркансан. Шунинг учун оёғим тортмай, тўйга бормаганим, – дейди Имомнинг келганидан хурсанд бўлиб. Икки ошна роса мириқшади. Соқийликни ўз қўлига олган Имом дўстининг кайфини янада ошириш учун унга кўпроқ қўйиб, ўзи

кам ичади. Ярим тунда дўстининг «ўчиб» қолганини сезгач, аввалига молхонага кириб семизроқ молни етаклаб кетмоқчи бўлади. Аммо озгина ори келиб, қўшни ҳовлидан бир сигирни етаклаб, чиқиб кетади. Йўл узок бўлгани учун тонг ёришиб, манзилга етолмай қолади ва сигирни далага боғлаб, ўзи кун ботишда келишни режалаб кетади. Аммо кечки пайт келганида сигир жойида йўқ эди.

Шунда изига тушишганини сезиб Самарқандга қочади. Бу ерда ҳам ўз уйи бўлмай, ижарага уй олиб, хотини ва фарзандларини жойлаб қўйди. Даҳбеддаги ижара уйига ҳам келмай қўяди. Уч-тўрт ҳафта изладик. Ҳар гал хотини эрини ёмонлашдан нарига ўтмайди. Лекин барибир келиб турганидан хабар топиб, айна уйда эканлигида етиб бордик. Уйда яшириниб ётганида тутиб олдик. Нобакор жиян, диёнатсиз дўстининг «фаолияти» шу билан барҳам топди.

**Шодиёр УСМОНОВ,**  
капитан.

Самарқанд вилояти.

### «ҚОРАДОРИ – 2009»

## БУЛУНГУРДАРАДАГИ ТИЁХФУРУШЛАР

Сурхондарё вилояти ИИБ ЖК ва ТКҚБ ходимлари наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши кураш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширишга япти. «Қорадори – 2009» тадбири жараёнида Денов тумани Булунгурдара худудида кўп миқдорда наша ўсимлиги парваришланаётгани аниқланиб, катта миқдордаги оғуни сотишга тайёрлаб қўйган жиний гуруҳ қўлга олинди.

Тадбир жараёнида баланд тоғли жойлар, бориш қийин бўлган дара ва доволар эътибордан четда қолмади. Булунгурдара ҳам худди шундай жойлардан бири ҳисобланади. Бу ерга бориш учун 30 чақиримча тепаликка тор йўлақлар ва сўқмоқлар орқали юрилади. Табиатнинг сўлим ва хилват гўшасида гиёҳвандлик моддаси етиштириш ва қайта ишлаш билан машғул бўлган шахсларнинг кирдикорларини фoш этиш мақсади-

да тузилган тезкор гуруҳ оқшомда йўлга тушди. Дара, сўқмоқ ва довол йўлларидаги хавф-хатарга қарамай тонг отмасдан воқеа жойи ўраб олинди. Арчазорлар орасида кўним топган гиёҳфурушлар бир томонда барқ уриб ўсаётган наша ўсимлиги, бошқа томонда эса қуриштирилган захри қотилни истеъмолчиларга етказиб бериш, бунинг эвазига эса катта бойлик орттириш хаёли билан банд эди.

Одатда бу жойларга ҳеч ким ташриф буюрмади. Шу сабабли улар аввалига тезкор гуруҳ аъзоларини ўрмончилар бўлса керак, деб ўйлашди. Аммо бир зумда қуршовда қолишгач, ўзлари сақлаётган ўқ отар қурол ҳам, жанговар ўқлар ҳам иш бермаслигини тушуниб етишди. Шу тариқа Денов туманида яшовчи Х. Қурбоназар, О. Ойбек, Н. Жонибек, М. Абдумалик ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Улар етиш-

тираётган 997 туп наша ўсимлиги йўқ қилинди. Сотиш учун тайёрлаб қўйилган 172 килограмдан кўпроқ марихуана, ов милтиги ва тўрт дона жанговар ўқ ашёвий далил сифатида олинди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан вилоят ИИБ томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш, осойишталик ва халқимиз хавфсизлигини таъминлашни умр мазмуни деб билган фидойи ходимларимиз бор экан, ҳар қандай қонунбузарликка чек қўйилаверади.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.**  
Сурхондарё вилояти.

## ХУКМ ҲАҚИДА

«Қўша қаринлар» деган иборанинг тагида қанчалар теран маъно бор. Эр-хотин турмушим тотли бўлсин, болаларим яхши яшасин, дея ўзини аямай эртаю-кеч меҳнат қилади. Фарзандлари вояга етиб, қўли ошга етганида бирови ногаҳон бу дунёни тарк этса ёмон экан. Урганчлик тadbиркор Шахло Ражапова қотил қўлида жон берди.

Урганч шаҳар ИИБ тезкор-тергов гуруҳи томонидан воқеа жойи синчковлик билан ўрганилди. Дактилоскопик экспертиза хулосасига кўра, Ш. Ражапова бўғиб ўлдирилган эди.

Қотилликни очиш учун барча имкониятлар ишга солинди. Вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, подполковник Матниёз Матниёзовнинг фаолиятида бундай воқеалар кўп учраган. Ҳар доим ҳам жиноят усуллари бири-бирига ўхшаб кетавермайди. Шаҳлонинг ўлимига нима сабаб бўлдикин? Беозор тadbиркор аёлда кимнинг хусумати бўлиши мумкин? Оиласи нотинчмикин? Қотилни қаердан излаш керак? Хуллас, шу каби саволлар унга тинчлик бермас эди.

ички ишлар бўлимига олиб келинди.

Муқаддам ҳамқишлоғининг уйига ўғирликка тушиб ҳам тузалиш йўлига кирмаган бу йигит қинғир йўллар билан пул топиб, гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилиш дардида яшарди. Жиноят содир бўлган кун у Урганч шаҳридаги кўпқаватли уйлардан бирига ўғирликка тушишга уринганда одамлар тутиб олиб, ички ишлар идорасига топширилади. Уни ушлаб туриш учун етарли асос бўлмаганлиги сабабли қўйиб юборилади.

Жасур, тўғри марказий деҳқон бозорига йўл олди. Икки қаватли уй олдида ҳарчанд уринмасин эшик қулфини очолмаётган аёлни кўриб, омадим шу ерда чопмасмикин, деган хаёлга

## «ОК, АЖАЛ»

### ГИРДОБИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Марҳуманинг эри Мурод Отажонов вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ҳисобчи бўлиб ишлайди. «Шахло билан севиб турмуш қурганмиз, — деди у. — Ҳеч қачон уриб-сўкмаганман, фақат онда-сонда аразлашиб қолардик. Икки фарзандимиз бор. У уйда кўрпа-тўшак, парда тикиш билан шуғулланарди. Ишларини ривожлантириш мақсадида Тинчлик кўчасидаги уйлардан бирининг бир хонасини ижарага олди. Охири марта 5 октябрь куни кўрганам. Соат 13.30 ларда ишга кетиб, кечкурун қайтмагач, уяли телефонига қайта-қайта кўнғироқ қилдим. Бироқ уялининг иложи бўлмади. Телефон доим банд бўлаверди. Ҳайрон бўлдим. Дугоналарига сим қоқдим. Нилуфар Улликўжаевдан Шахло сизларникида деб сўрасам, йўқ келмади, дея жавоб берди. Эртасига тушлик пайтида вақт топиб ишхонасига борсам устахона эшиги қулф. Баттар безовта бўлдим. Уйда болалар бетоб, нима қилишимни билмайман. Икки фарзандимни эртаси куни отаонамининг уйида қолдириб, ишга кетдим. Шаҳлонинг ўлимини 7 октябрь куни билдим».

Тезкор ходим фуқаро М. Отажоновнинг бошига тушган қайғуни тушуниб турарди. Шунинг учун ҳам уни бошқа безовта қилмади.

Воқеа жойидан Шахло Ражапованинг мол-мулки, шу жумладан «Нокия-2630» ва «Сони Эриксон» русумли уяли телефон, иккита тилла узук, битта тилла занжир умарилган эди. Қотил ана шу ашёвий далилларни топиш орқалигина қўлга тушиши мумкинлигини билган ходимлар тезкор йўллар билан суриштирувни давом эттиришди. Тadbирларнинг бирида Ш. Ражаповага тегишли уяли телефонлардан бири топилди. У «Хоразм» ўйингоҳи ёнидаги бозорда телефон аппарати савдоси билан шуғулланувчи Анвар Раматовдан олинди. Анвар ушбу телефонни Янгибозор туманида яшовчи А. Жасурдан 55 минг сўмга олиб қолганини айтди. Жасурнинг яшаш жойи текширилганда унинг уйида йўқлиги маълум бўлди. Онаси ўлинининг Урганч шаҳридаги автомобиль тузатиш шохобчаларидан бирида ишлаши, вақтинча тоғасининг уйида яшаётганини айтди. Ушбу маълумот асосида қотилликда айбланаётган Жасур Урганч шаҳар

борди. 30 ёшлардаги аёл ундан эшикни очишга ёрдам беришини сўради. Жасур бу имкониятни қўлдан бой бермади. Эшикни очгач аёлдан бу ерда нима иш қилишини сўради. Аёл қулиб, «рўзгор ташвишлари» деб қўя қолди. Кейин парда тикиш билан шуғулланишини айтиб, буюртма берсангиз сизга ҳам тикиб берамиз, дея унинг олдида турли-туман пардалар акс этган фотоальбомни кўйди.

Аёлнинг қўлидаги икки жуфт тилла узук, бўйнидаги тилла занжир Жасурнинг кўзини ўйнатди. Шаҳлонинг қўлларига ёпишди. Аёл ҳам буш келмади. Аммо Жасур уни улоқтириб юборди. Полга боши билан тушган Ш. Ражапова ҳушидан кетди. Жасур унинг тилла буюмларини олиш билан чекланмади. Аёлни ўлдириш учун дазмолнинг симини бўйнига боғлади. Бу ҳам етмагандек мато билан бўга бошлади. Аёл нафас олмай қўйгандан кейин мол-мулкларни олиб, қўшни хонага ўтди. Матбаа-дизайнерлик билан шуғулланувчи ходимларнинг шкаф ва столларини бир-бир очиб, паспорт, штамп ва муҳрдан бошқа ҳеч вақо топмагач, уларни жаҳл билан иргитди. У ташқарида ҳеч ким йўқлигини билгач, эшикни ёпиб, калитларни ариққа отиб юборди.

Шу куни «Хоразм» ўйингоҳи ёнидаги бозорга бориб, ўғирланган молларнинг нархини суриштирди.

Эртасига Жасурнинг «кўчасида байрам» бўлди. Тилла занжирни 100 минг, икки жуфт узукни 50 минг сўмга пуллади. «Нокия» русумли уяли телефонни таниши Анварга 55 минг сўмга сотди. Одил исми улфатини топиб, аввал овқатланишди, кейин героин истеъмол қилишди. Харажатларни Жасур ўз бўйнига олди.

Аммо қотил узоқ вақт кайф-сафо қилиб юролмади. 7 октябрь куни уни ички ишлар бўлимига олиб кетишди. Барча далиллар унинг қотиллик содир этганини тасдиқлади.

Арзимаган тилла тақинчоқларни деб беғуноҳ бир аёлни умрига зомин бўлган, «оқ оғу» гирдобига тушган йигит қилмишига яраша жазосини олди, албатта. Аммо бу билан етим қолган норасида гўдакларнинг қалбидаги жароҳат битарминган.

**Мирза АБДУЛЛАЕВ,**  
майор.

Хоразм вилояти.

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

## НИҲОЯСИГА ЕТМАГАН

### «САФАР»

Олим (исмлар ўзгартирилган) жазони ижро этиш муассасасида олти йил «ўтириб чиқди». Панжара ортида белгиланган муддатни ўтаётганида «бу ердан чиқсам фақат ҳалол йўл билан пул топаман», деб онг ичган эди. У яқинлари бағрига қайтгандан сўнг деҳқончилик билан шуғуллана бошлади. Ҳалол меҳнат қилиб, оила тебратди. Шу тариқа ўз ваъдасининг устидан чиқди. Бироқ бу кўпга чўзилмади...

Кунлардан бир кун Олим қўшни Тожикистон Республикасида яшовчи қариндошиникига тўйга борди. Шу баҳона янги танишлар орттирди. Ўзи билан ёнма-ён ўтирган Саттор исми кишининг сўзлари Олимнинг диққатини тортди. Унинг дангиллама уйи, дала ҳовлиси борлиги ва яқиндагина «BMW» русумли автомобиль сотиб олгани унинг ҳавасини келтирди. Олимдан нима билан шуғулланишини сўраганда:

— Э, нимасини айтасиз. Деҳқончилик қилардим. Ер фермерлар ихтиёрига ўтгач, ишим юришмай қолди, — деди у нолиб.

Саттор эса Россияда яшаётгани, тadbиркорликни йўлга қўйганини айтди.

— Агар хоҳласангиз сизга бир даромадли иш таклиф қиламан. Яхшигина ҳақ олсангиз. Фақат бу ҳақда ҳеч ким билмаслиги керак, — деди у шивирлаб.

— Майли, барчасига розиман, фақат шерик қилсангиз бўлгани.

Томонлар ўзаро келишиб олишди. Олим Саттор айтган «маҳсулот»ни Ўзбекистондан Қозоғистонга олиб бориб берса бас. Нақд 1700 АҚШ доллари уники бўлади. «Юк»ни Тожикистондан Ўзбекистонга Азим исми йигит келтириб берар экан.

Орадан 4-5 кун утгандан сўнг Саттор Олимга кўнғироқ қилиб, ҳаммаси тайёр эканлигини айтди. Олим Тожикистоннинг Бекобод тумани билан чегаралош ҳудудида келди. Бироқ Азим режа ўзгаргани, у ердан ўтиб бўлмастлигини маълум қилди.

Шундан сўнг Олим «юк»ни Пскент туманидаги чегара ҳудуд орқали қабул қилиб олди. У ИПХ масканини айланиб ўтиб, қўлидаги сумкани боғ ичига яшириб қўйди. Эртасига эрталаб соат 5.00 ларда уни олиб, автобусда Тошкент шаҳридаги Қўйлик, кейин Чорсу бозорига келди. Бу ерда такси тўхтатиб, Белтепа маҳалласига йўл олди. У Тошкент тиббиёт академиясига етганда машинадан тушиб қолди. Энди бошқа машинага ўтираётганида икки нафар ички ишлар ходими унинг ҳужжатларини сўради. Ночор аҳволда қолган Олимнинг «сафари» шу ерда ниҳоясига етди. Холислар иштирокида унинг сумкаси текширилганда, 17 та елим халтачага жойланган, жами 15 килограмдан ортиқ героин гиёҳвандлик моддаси ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳа, ҳалол меҳнатдан қочиб, осон йўл билан топилган бойлик кишига буюрмайди. Айниқса, минглаб инсонлар ҳаётини заҳарловчи, соғлом турмушга раҳна солувчи оғу орқали орттирилган даромад билан ҳузур-ҳаловатда яшаб бўлмайди. Буни Олим кеч тушунди. Энди у қилмиши учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

**Зафар АЛИМОВ,**  
майор,  
**Азизжон ФАЙЗИЕВ.**

Тошкент шаҳри.

Шу йил 4 сентябрь куни Жиззах шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига Заргарлик маҳалласида қотиллик содир бўлгани ҳақида хабар тушди. Унга асосан тезкор-тергов гуруҳи зудлик билан айтилган манзилга етиб борди. Воқеа жойи кўздан кечирилганда 70 ёшни қаршилаган Галина Архипованинг бўйнига пичоқ санчилган ҳолдаги жасади топилди. Қотиллик бир неча кун аввал содир этилгани ҳамда уй тинтиб ташлангани маълум бўлди.

Ушбу ўта оғир жиноятни фош этишга ички ишлар ва прокуратура идораларининг тажрибали ходимлари жалб қилинди. Тезкор штаб ташкил этилиб, тинимсиз тезкор-тергов ва суриштирув ишлари олиб борилди. Воқеа жойидан олинган далилий ашёлар, бармоқ излари эксперт-криминалистлар томонидан синчковлик билан текширилди.

Бир неча тахминлар ишлаб чиқилди. Ходимлар кечаю кундуз қидирув-суриштирув ишларини олиб боришди. Юзлаб кишилар билан суҳбатлашилди. Тахминларнинг бирида жиноятни марҳумнинг яқин танишларидан бири содир қилган бўлиши мумкинлиги илгари сурилганди. Орадан олти кун ўтиб жино-

## ЁВУЗ НИЯТЛИ

### ЎСМИР

ятга қўл урганликда гумонланиб Х. Сергей қўлга олинди.

Гумондор дастлабки тергов жараёнидаёқ қотилликка қўл урганига тўлиқ иқдор бўлди. У Г. Архипованинг невараси Лиля билан бир синфда ўқигани учун хонадондаги вазиятдан яхши хабардор эди. Шўрлик кампир уйда ёлғиз яшаётган бўлиб, қизи ва набираси Россияга кетган экан.

Сергей 31 август куни соат 11.30 ларда Галина Архипованинг хонадонига келади ва аёлни чалғитиб, унинг бошига дазмол билан уради. Архипова ҳушидан кетиб йиқилади. Кейин у уйни титкилай бошлайди. Шу пайт Архипованинг инграётган овозини эшитиб, яна дазмолни ишга солади. Сўнгра ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб, 3200 АҚШ долларини топиб олади. Қайтишда ожиз аҳволда қолган кампирнинг ҳали тирик эканлигини би-

олади-да, унинг бўйнига санчиб кетади.

Сергей қўлга киритилган валютанинг бир қисмини ўз эҳтиёжи учун ишлатиб, қолганини Жиззах шаҳрида яшовчи таниши З. Зимфирага сақлаб туриш учун беради. Бир неча кундан кейин аёл ушбу долларлар марҳума Архиповага тегишли эканлигини купюралар ичидан чиққан «Вестрен юнион»нинг «Архипову» деган ёзуви бўлган пул ўтказмаси орқали билиб қолади. Бироқ бу ҳақда тергов идораларига хабар бермайди. Шу боис унга нисбатан ҳам жиноят иши қўзғатилади.

Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Х. Сергей содир қилган жиноятни учун тегишли жазо олиши муқаррар. Бироқ у виждон азобидан ва «қотил» деган тавқиланатдан умрбод қутила олмас керак.

**Баходир БЕГИМҚУЛОВ,**  
майор.

Жиззах вилояти.

# АФСОНАВИЙ БОКСЧИМИЗ ҚУТЛУФ ЁШДА

Руфат Рискиевни танимайдиган ёки билмайдиган юртдошимиз бўлмаса керак. Собик Иттифоқ пайтида жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлган биринчи ўзбек чарм қўлқоп устаси «Динамо» спорт жамияти аъзоси эди.

Руфат Рискиев 1949 йил октябрь ойида туғилган. Ўн тўрт ёшидан «Динамо» спорт жамиятининг тажрибали мураббийи Борис Гранаткин қўл остида бокс сирларни кунт билан ўрганди. 1974



Йилда Гавана шаҳрида ўтказилган бокс бўйича жаҳон биринчилигида ҳамюртимиз жаҳон чемпиони, деган ша-

рафли номга сазовор бўлган. Фаолияти давомида 189 та жанг ўтказиб, 174 тасини ўз фойдасига ҳал қилган.

Яқинда фахрий динамочимиз ўзининг олтин ёшларини нишонлади. Шу муносабат билан республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти ходимларидан бир гуруҳи чемпионни табриклаш учун хонадонига ташриф буюришди. Руфат Рискиевга жамият раҳбариятининг қимматбахо соvgалари топширилди. Аънанага мувофиқ тўн кийдирилди.

**А. ҚУРБОНМУРОДОВ.**  
**Т. КАЗАРЯН** олган сурат.

## СПОРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Яккакурашлар орасида каратэ ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Фудокан каратэ ана шу спорт турининг бир йўналиши ҳисобланади. Бу атама «мустаҳкам пойдеворли уй» деган маънони англатади.

# КАРАТЭ УСТАСИ

Республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти махсус жисмоний тайёргарлик маркази бошлиғи, капитан Шухрат Анваров ҳам фудокан каратэ бўйича мутахассис. У ходимларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишда ўзининг бой тажрибаси ва маҳоратини аямайди.

Қаҳрамонимиз болалигидан каратэга меҳр қўйган. Мактабда ўқиб юрган



кезлари машғулотларга мунтазам қатнашди. Тинимсиз саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермай қўймади, албатта. У 1995 йилда фудокан каратэ бўйича республика биринчилигида иштирок этиб, мамлакат чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди. Вақт ўтиши билан Ўзбекистон кубоги соҳиби бўлди. Кейинчалик Қирғизистонда ўтказилган фудокан каратэ бўйича халқаро турнирда совриндорлар сафидан жой олди. 2006 йилда эса Тула шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада муваффақиятли иштирок этди.

Дарвоқе, 2003 йил Шухрат Анваровнинг ҳаётида катта ўзгариш бўлди. У ички ишлар идорасига қабул қилинди. Республика ИИБ махсус вазифаларни бажарувчи отрядда тезкор вакил бўлиб хизмат қила бошлади. Сўнг ИИБ Академияси жисмоний тайёргарлик кафедрасига ўқитувчи этиб ўтказилди. 2008 йилдан бошлаб республика «Динамо» ЖТСЖда фаолият юритмоқда. У қисқа вақт ичида ўзини изланувчан ва таш-

килотчи раҳбар сифатида кўрсата олди.

Шухрат Анваров бугунги кунда республика Фудокан каратэ федерацияси раиси ҳам ҳисобланади. У фудокан каратэ бўйича спорт устаси. Халқаро тоифадаги ҳакам. Унинг шогирдлари – Лазиз Раҳимбердиев, Дилшод Байрамсағатов, Артем Вазингир, Бекпўлат Қўчқоров, Зафар Нурмухаммедовлар мамлакат чемпионлари.

Шу йил август ойида Москва шаҳрида аънанавий фудокан ва шотакан каратэ бўйича халқаро семинар-мусобақа ўтказилди. Унда икки юздан зиёд спортчилар иштирок этди. Шухрат Анваров ҳам мазкур нуфузли мусобақада ўз маҳоратини намойиш этиб, З-ДАН қора белбоғ соҳиби бўлди. Шунингдек, унга фудокан каратэ йўналишида Ўзбекистон бўйича бош йўриқчи, деган унвон берилди.

Шухрат Анваровнинг қизлари Мадинабону ва Мафтуна дадасининг дуру гавҳари. Саккиз ёшли Мадинабону ҳам каратэ билан мунтазам шугулланади. Турмуш ўртоғи Шохида Абдураимова ҳар гал оила устун ва таянчи бўлган умр йўлдошини: «Яхши ишлаб келинг, дадажониси» дея ширин табассум билан хизматга кузатади. Ҳар доим уйдан севимли ёрининг самимий муносабатидан мамнун бўлиб чиқаётган Шухрат Анваровнинг фаолиятида унум, ишида барака бўлмоқда.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**  
**«Постада» мухбири.**

## ЖАҲОН СПОРТИ ЮЛДУЗЛАРИ

# СПОРТ ОСМОНИДА ЧАҚНАГАН «ЧАҚМОҚ»

Дунёнинг энг чопқир спортчиси Усэйн Болт 1986 йил 21 август куни Ямаканин Трелони вилоятида таваллуд топган. Уильям Нибба номидаги ўрта мактабда таҳсил олган. Ўн беш ёшли Болт Кингстонда энгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати (2002 йил)да битта олтин ва иккита кумуш медалини қўлга киритди. Чопқирлиги ва қўлга киритган ютуқлари учун «Чакмоқ» лақабини олган. Миллионлар ўйини – футбол томоша қилишни ёқтиради. Севимли жамоаси – «Манчестер Юнайтед» (Англия).

## ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ

Усэйн 2003 йилда энгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. 2004 йилдан бошлаб У. Болт ўз натижаларини янгилаб бориш баробарида жаҳон рекордларини ҳам ўрната бошлади. Шу йили ўсмирлар ўртасидаги мусобақада 200 метр масофани 19,93 сонияда босиб ўтиб Даниэл Лорез ўрнатган жаҳон рекордини янгилади. Ямайкада бўлган чемпионатда (2007 йил) ҳам У. Болт 19,75 сонияда марра чизигини кесиб ўтди. Осака (Япония) шаҳрида энгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатида «Чакмоқ» 200 метр масофага югуриш беллашувларида америкалик чоп-

қир Тайсон Гайга имкониятни бой бериб, мусобақанинг кумуш медали билан кифояланди. 2008 йил 31 май куни Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган «Reebok» гран-при мусобақасида Усэйн 100 метр масофани 9,72 сонияда забт этиб, ҳамюрти Асафа Пауэлл натижасини янгилаб (9,74 с), янги жаҳон рекордини ўрнатди. Шу йили 16 августда Пекиндаги беллашувларда У. Болт 100 метрга югуриш бўйича 9,69 сония билан шахсий натижасини янада яхшилади ва Олимпиада ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди. У мазкур баҳсда чиройли тарзда марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди – бошида, яъни 40 метр масофа босиб ўтилганда У. Болт иккинчи ўринда бораётгани, сўнг рақибини таъқиб қилиб тезлиги-

ни икки карра ошириб ортда қолдирди ва биринчиликни қўлга киритди. Ўшанда унинг тезкор ҳаракатларини кузатиб турган мутахассислар Усэйн натижасини 9,50 га етказиш мумкин, деб таъкидлашди. Чунки унинг жисмоний имконияти юқори эди. 20 август куни чопқир иккинчи олтин медалини қўлга киритди. 200 метр масофага югуриш бўйича беллашувларда 19,30 сония натижа билан Майкл Жонсонга тегишли жаҳон рекордини 0,02 лаҳзага оширди. Пекин Олимпиада ўйинларининг 4x100 метрга эстафета баҳсларида ҳам барча рақибларини доғда қолдириб (37,10 сония) Ямайка терма жамоасига учинчи олтин медалини тақдим этди. Навбатдаги жаҳон рекордини Усэйн Болт 2009 йилнинг 17 майида ўрнатди.



Манчестер кўчаларида ўтказилган 150 метр масофага югуриш беллашувларида у 14,35 натижа қайд этди. Ва ниҳоят шу йили 16 август куни Берлин шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида рекордчи 100 ва 200 метрга югуриш баҳсларида олдинги натижаларини 11 сонияга қисқартирди.

## «ЁРҚИН ЮЛДУЗ»

Усэйн Болт Халқаро Энгил Атлетика федерациялари ассоциацияси рейтинг жадвалининг энг юқори поғонасини банд этиб турибди. Шунингдек, ассоциация томонидан икки карра «Ёрқин юлдуз» унвонига муносиб, деб топилган. Айни пайтда бу «Ёрқин юлдуз» Ямайка Технология университетида таҳсил оляпти.

**Ф. АЗИЗОВ**  
**тайёрлади.**

## ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

Юртимизда шифобахш неъматлар жуда кўп. Уларнинг инсон саломатлиги учун катта фойда бериши қадимдан маълум. Улуғ табиблар синовидан ўтиб, беморлар учун тавсия этилган гиёҳлар, ўсимликлар ва мевалар ҳақида билиб қўйган яхши, албатта. Шу мақсадда газетхонларни ҳам таништириб боришни лозим топдик.



# ДУЛАНА

Дулана — раъногулдошларга мансуб тиканли дарахт ёки буталар туркумига киради. Мевалари туррига қараб қизил, сариқ, хушбўй ва ўзига хос таъмга эга. Июнда гуллайди ва сентябрда пишади.

Маълумотларга қараганда, дулананин 100 га яқин тури мавжуд бўлиб, улар Европа, Осиё, Шимолий Америкада жуда кўп тарқалган. Улардан 40 тури Марказий Осиё, Кавказ, Қрим ва Узоқ Шарқ улкаларида учрайди. Ўзбекистонда дулананин бешта тури қайд этилган бўлиб, улар республикамизнинг деярли барча тоғли минтақаларда денгиз сатҳидан 1000–2600 м баландликдаги майда шағалли қияликларда якка-якка, тўп-тўп ҳолда ўсади ёки дуланазорларни ташкил этади.

Дулананин гуллари ҳамда мевалари доривор маҳсулот ҳисобланади. Меваларининг таркибида 20% қанд, 8% ёғ, флавоноидлар (гиперозид) кверцетин, витексин, фитостеринлар, холин, ацетилхолин, ошловчи моддалар, каротин, С дармондори органик кислоталар, кратегин моддалари бор. Ўзбекистон шароитида ўсадиган дуланаларнинг айрим турларида В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР, С, Е дармондорилари борлиги аниқланган.

Дулана гуллари таркибида юқорида кўрсатиб ўтилган моддаларнинг айримлари билан бирга 0,16% га яқин эфир moyлари ҳам бўлади.

Халқ табибатида дуладан киши толиққанда, ақлий ҳорғинликда, уйқусизликда, юрак атрофида оғриқ пайдо бўлганда даво сифатида фойдаланилади.

Абу Али ибн Сино дулана мевасини ич кетишини тўхтатувчи восита сифатида тавсия этган.

Олтой халқ табибатида қизил дулана бош айланиши, асаб бузилганида фойдали омил ҳисобланади. Шунингдек, қизил дулана мевалари, гули ва барг асосли дорилари Франция халқ табибатида асаб қўзғашини тинчлантирувчи, юракка дармон бағишловчи омил сифатида фойдаланилади. Ўсимликнинг эрта баҳор палласида ёш новдаларидан олинган нўстлоғи безгакка қарши ҳамда ич утишига даво ҳисобланади. Немис халқ табибатида дулана гуллари ҳамда мевалари юрак қуввати сустлигида, юракда қон айланишининг заифлигида фойдали манба ҳисобланади. Австрияда эса дулана гуллари ҳамда мевалари асосида тайёрланган дамлама, спиртли тиндирма ҳамда экстрактлар юракнинг қон томирларини кенгайтирувчи ҳамда қон босимини пасайтирувчи даво сифатида фойдаланилади. Польшада дуланали дориворлар мияга қон қуйилганда, атеросклерозда, асаб касалликларида фойдали ҳисобланади.

Замонавий тиббиёт амалиётида қизил дулана асосли препаратлар юрак фаолияти бузилганида, гипертонияда, стенокардияда, антигипертензивда, аритмияда, пароксизмал тахикардияда, умумий атеросклерозда, климакс билан боғлиқ бўлган невроларда тавсия этилади. Танглай муртақлари яллиғланишида фойдали омил ҳисобланади.

Саноат миқёсида дулана гуллари, спиртли тиндирмаси ҳамда йиғма чойлар таркибида чиқарилади. Дулана кардиовален доривор воситаси таркибига киради. Дулана доривор омиллари юрак мушакларининг қисқаришини яхшилайди, унинг безовталанишини, қон таркибидаги холестеринни камайтиради. Шунингдек, дулана доривор воситалари сут безларининг фаолиятини яхшилайди.

Айни куз кунларида дуладан айниқса болаларнинг кўпроқ истеъмол қилишлари лозим. Бу неъмат асосан тоғли туманларда ўсгани боис дармондориларга бой, уларнинг ривожланиши учун катта фойда беради.

«Шифобахш неъматлар» китобидан олинди.

(Бошланиши ўтган сонларда).

## ПАЙТАВАСИГА ҚУРТ ТУШДИ

Майор Мурод Ёқубов бошлик хузуридан чикқач, хонасига кириб бир зум ўйга чўмиб турди. Ишни нимадан бошлашни билмай, боши қотди. Сигарет чекмоқчи бўлиб чўнтагига қўл суқди. Сигарети тугаган экан. Яна бир зум туриб, ашёвий далил – кўзида сув париси тасвири бўлган узукни қўлига олиб қаради. Бармоғига тақиб кўрганди, ўлчагандек лойиқ келди. Шу ҳолда кўчага чикди. Сигарет сўраб, Облобердининг дўконига кирди.

Облоберди тизилишиб турган уч-тўрт харидор тарафдаги пештахта устида қоғозга ниманидир ўраш билан банд эди. Қўлидаги ўроғлиқ қоғозни харидорлардан бирига тутқазиб, эпчил ҳаракат билан унинг ёнига келди-да, кўришиш учун қўл чўзди. Изқувар у билан сўрашаётганда беихтиёр бармоғидаги узукка қараб қолди. Бундан сезган тезкор ходим нимадир қилмоқчи, нимадир гапирмоқчидек бир тараддудланди-ю, яна ўзини босди. Бамайлихотир деди:

– Бир қути сигарет берасизми?  
– Жоним билан! – Облоберди шундай деб, бир қути сигарет олиб узатди. У сигаретни чўнтагига соллатуриб, деди:

– Бир шиша ароқ ҳам.  
Облоберди ароқни елим халтага солиб, пештахта устига қўйди. Тезкор ходим пул узатганди Облоберди рад этди:

– Қўяверинг. Каттароқ савдо қилганда кўшиб берарсиз.

Майор пулни пештахта устига қўйиб, чиқиб кетди. У қанот боғлаб учгандек хонасига етиб келди-ю, шошилич экспертга кўнғироқ қилди. Зум ўтмай хонада эксперт пайдо бўлди.

– Азизим! – у шундай деб қоғозга ўроғлиқ ароқ билан чўнтагидаги сигаретни чиқариб, экспертга узатди. – Аввал мана шу қоғозга ўроғлиқ шишадаги, кейин сигарет қутиси устидаги бармоқ изларини олиб беринг, фақат тезроқ!

Эксперт нарсаларни олиб чиқиб кетди. У ҳам ортидан чиқиб, навбатчининг ёнига борди-да, бир дона сигарет олиб тутатди. Кўча эшиги томонга бир қадам ташлаб, ортига ўгирилди ва навбатчидан сўради:

– Олтибой, билмайсанми анави ургутлик Расулнинг дўконига телефон борми?

– Аниқ билмайман. Керак бўлса, Жўра акадан билиб бераман.

– Сўра-чи?  
Навбатчи қоровуллар бошлигидан телефон рақамини билиб берди. Ёқубов навбатчига тушунтирди:

– Ҳозир шу рақамга кўнғироқ қилиб, биров жавоб берса, қаердан, ким бу деб сўра! Кимлигини айтма. Кечирасиз, адашиб тушибман, деб гўшакни қўйиб қўй!

Навбатчи дўконга кўнғироқ қилди. Лекин телефон қанча жингликмасин, гўшакни ҳеч ким кўтармади. Охири изқуварга мурожаат қилди:

– Чақираяпти, лекин ҳеч ким гўшакни олмаяпти.

– Бўпти, кўявер, – у шундай дея йўлақдан келаётган ходимни ёнига имлаб қақирди.

– Тилов, тез боргин-да эътиборсиз ҳолда Расулнинг дўкони

очик ёки ёпиқлигини билиб кел. Тўхтаб қарама. Ўтиб кетатуриб секин разм сол!

Майор Мурод Ёқубов ўз хонасига кирди. Ҳозир бошламоқчи бўлган ишига оид қоғозларни титкилашга тушди. Зум ўтмай Тилов кириб келиб, ахборот берди:

– Дўкон эшиги қулфлоглиқ, вақтинча ёпилганга ўхшайди.

– Бўпти, раҳмат, боравер.

У шифтга тикилиб, хаёлга берилди: «Нега бундай қилди? Нега ортимдан дарҳол дўконни ёпди? Бирон шубҳали ҳаракат қилиб қўйдим-ми? Қўлини кўпроқ ушлаб турганимдан ҳадиксирадимикин. Ёки харидимдан чўчидими. Кўзига бежороқ қараш қилдиммикан. Бал-

ка чикди-да, навбатчининг ёнига борди:

– Олтибой, менга тезда шаҳар ичидаги профилактика инспекторларини йиғиб бер! Кейин Мирза Калоновнинг уйига кўнғироқ қилиб, Облобердини сўра-чи. Оғайниси бўламан, учрашишга ваъда берганди, дегин. Нарзи! Буёққа кел! Сен савдо маркази идорасига бор. Ҳамма хоналарга бирма-бир қараб чиқ. Облобердини кўриб қолсанг, ким билан турганига разм сол. Нима қилиб юрганингни сўраганларга ҳамкасбимни қидириб юрибман, шу ерга бориб келаман, деб чиққанди, юқоридан одам келиб қолди, дегин!

деб қатъий қарорга келди ўзича. – Боласини олдириб ташлашга рози бўлмас экан, энди барибир, тўй қилиб, никоҳдан ўтишни талаб қилиб, оёғини тираб тураверади. Бундай қилсам ҳам, қилмасам ҳам, тамом бўламан. Агар кўнмасам Ҳалимахон судга мурожаат қилиб, шармандамни чиқариши мумкин. Бу гап ошкор бўладиган бўлса, Ўлмасхон ҳам, қошона уй ҳам, машина, дўкон, қолаверса, яқин орада насиб этувчи катта дўкон, кейинчалик савдо маркази раҳбарлиги, хуллас, ҳамма-ҳаммаси қўлдан кетади. Тоғамнинг ҳам савдо ишидан ковушим тўғриси мумкин. Аввало, Ҳалимахон у ёқда қолиб, қайнотамнинг

## НормамаТ ТОҒА

# ҲУКМСИЗ ЖАЗО

## Детектив қисса



ки, идорага чақириб берди. Тахмин ва гумонлардан иш чиқмайди. Қаерга кетганини аниқлаш керак». Унинг боши ғовлаб кетди. Тезда экспертга кўнғироқ қилди:

– Азизим, ҳали шовганимда бир нарсани айтишни унутибман. Шиша билан сигаретдаги бармоқ изларини олганингиздан кейин бир йўла узук, ёғупа, сигарет қолдиқларидан олинган бармоқ излари билан солиштириб кўриб, натижасини айтинг!

У гўшакни жойига қўймасдан, яна рақам тера бошлади.

– Алло, ҳамма ИПХ масканларини огоҳлантиринг. Қайси томонга кетаётганидан қатъи назар, барча техника воситаларини тўхтатиб, йўловчиларнинг ҳужжатларини бирма-бир текшириб кўришсин.

Махфий эълон қилинг, мабодо, Облоберди Эгамқулов деган шахс дуч келиб қолса, ўзига аҳамият бермай, машинасининг техник ҳолатини кўриш баҳонасида ушлаб туриб, хабар қилишсин сизга. Мен билан алоқа боғлаб туринг. Ха, ўша Мирза Калоновнинг ичкуёви, дўкончи йигит. У яна гўшакни қўймай рақам терди.

– Алло, навбатчи! Ҳар эҳтимолга қарши тезкор гуруҳ тайёр бўлиб турсин!

У рақам теришда давом этди.

– Алло! Санэпидстанциями? Мен жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлигиман. Дўконларни текширишга ҳақли бўлган ходимларингиздан икки нафарини биз билан ҳамкорлик қилишга менинг ёнимга юборсангиз. Ўзларингизнинг машинангизда келишса...

У гўшакни жойига қўйиб, йўлак-

Шундан сўнг у кўча эшик томон кета туриб, навбатчига деди:

– Олтибой, мен югуриб бориб бир қути сигарет олиб келаман.

У ўзи айтганидек, югуриб бориб бир қути сигарет олиб келмади. Яна Облобердининг дўкони томон йўл олди. Узоқдан туриб, паналаб эшикка қаради. Эшик ҳалиям қулфлоглиқ эди. У ортига қайтди. Эшик олдида кутиб турган санэпидстанция ходимларига негадир ҳеч нарса демасдан жавоб бериб юборди. Ичкарига кириши билан навбатчининг ёнида турган Нарзи билан Тиловни кўриб, уларга яқинлашди.

– Облоберди савдо марказида йўқ, – деб биринчи бўлиб ахборот берди Нарзи. – Бугун у ерда уни ҳеч ким кўрмабди.

– Уйининг телефониям жавоб бермаяпти, – деди навбатчи.  
– Ха, айтмоқчи, – орага гап солди Нарзи, – Мирза Калонов билан Расул кеча курортга жўнаб кетишибди.

– Фақат икковими? – таъкидлаб сўради изқувар.

– Ха, фақат иккови кетганмиш.

У бошқа гапирмасдан хонаси томон кетди.

Облоберди ўша кеч Ҳалимахоннинг ёнидан қайтгач, уч кунни турли хил режалар тузиш билан ўтказди. У Ҳалимахонга, дўконимга тафтишчи келадиган бўлиб қолди, деган баҳона билан ёлғон гапирганида ҳам аслида бирор тўхтамага келиб олишни ўйлаган эди. Ниҳоят, учинчи кун Облобердига ўзи ўйлаб топган ёвуз режа маъқул тушиб, миясига қаттиқ ўрнашиб олди. «Бутунлай йўғига куйишдан ўзга чора йўқ! –

ўзи мени қаматтириш, ҳатто ўлдириб юборишдан қайтмайди. Қўли тўрт томонга етади. Мен ҳам тезроқ қайнотам юқорига кўтарилгач, ўрнига савдо марказининг раҳбари бўлиб, қўлим «узун» бўлгандан кейин бошқа Ҳалимахонга ўхшаганини топиб, айш қилиб юрсам арзийди. Ҳалимахонни ўлдириб, бу азоблардан қутилишдан ўзга чора йўқ! Хўш, изсиз йўқотиш учун нима қилиш керак? Бундай масалада маслаҳат берадиган бирдан-бир доно Ҳошим кал-да! Бунинг учун Ургутга бориш керак. Ишқилиб кал бирор жойга жўнавормаган бўлсин. Пахтазавад кўчасида тураман, дегандай бўлувди, қидириб топаман. Бошқа илож йўқ».

Облоберди устма-уст икки дона сигарет чекди. Бу билан ҳам ички кўркувини босолмади шекилли, дўкон омборига ўтиб, бир шиша ароқнинг қопқоғини жаҳл аралаш тиши билан юлқиб очди-да, пиёлани тўлдириб, тик турган ҳолда симириб юборди. Бир зум туриб, ўзича қатъий битимга келди:

– Ҳозироқ Ургутга жўнаш керак!

У дўконни ёпиб чиқиб, янгасини ахтариб топгач, дўкон қалитларини топшираркан, ўзи тўқиган ёлғони билан янгасини ишонтирди:

– Ургутга бориб келишимга тўғри келиб қолди. Синфдошлар учрашишаётган экан. Бир кеча турману қайтаман.

Облоберди хотинига ҳам худди шу гапни айтиб, унинг розилигини олди.

– Машинангизни миниб кетасизми? – суйкалди Ўлмасхон ноз билан.

– Йўқ. Ўтириш бўлгандан кейин оз-моз ичишга тўғри келади. Бундай ҳолда қайтишда машина бошқариш яхши эмас.

– Тўғри қиласиз. Машинада ёлғиз бўласиз, битта-яримта йўловчи қизлар ҳам учраб қолиши мумкин. У ёқ, бу ёққа кўп алангламай бориб келинг. Яхшиси, таксида борақолинг.

– Ундай бўлса, пулдан кўпроқ олай.

– Пул сиздан айлансин, истаганингизча олаверинг. Фақат тезроқ ёнимга қайтсангиз бўлди.

(Давоми бор).

## ШАҲЛОНИ КЎРГАНЛАР БОРМИ?



Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ИИБ томонидан Шахло Абдувалиева бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У 1969 йилда туғилган. Янгийўл шаҳри Беруний кўчаси, 14-уйда яшаган. 2009 йилнинг 5 май куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, сочи қора узун, юзи чўзинчоқ, кулоқлари катта, қоши ёйсимон.

**Алоҳида белгиси:** киндигининг паст қисмида чандиғи бор.

**Кийимлари:** қизил рангли кофта, кўк жинси шим, қора туфли бўлган.

**Ш. Абдувалиевани кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга бўлган фуқаролардан Янгийўл шаҳар ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

## ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2009 йил 24 август куни Тошкент вилояти Қибрай тумани Дархон маҳалласи, Зах кўчаси, 5-дала ҳовли ичидан оқиб ўтувчи ариқдан ёши тахминан 25-30 лардаги, Осиё миллатига мансуб эркак кишининг мурдаси топилган.

**Белгилари:** бўйи 175 см, сочи қора.

**Кийимлари:** тўқ кулранг, энги қалта қўйлақда бўлган.

**Алоҳида белгиси:** тепа жағи чап томонидан 1,2, ўнг томондан 1, 2, 3- тишлари, пастки жағ чап томондан 5, ўнг томондан 4, 6 тишлари сариқ металлдан ясалган.

**Шахси аниқланаётган мурда ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Қибрай тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби, фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийши, истеъфодаги капитан **Кенгаш ОДИЛОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Андижон вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Алишер Ҳошимовга онаси **УМИДАХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ ВЕЁОҲООБ бошлиғи, майор Нарзулло Исиргапов ва Тошкент темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ милиционерни, катта сержант Муртазо Исиргаповга отаси **Эгамберди ИСИРГАПОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади-лар.

Республика ИИБ Бирлашган таҳририяти раҳбарияти ва жамоаси таҳририятнинг Андижон вилояти бўйича ўз муҳбири Б. Клейманга онаси **Анастасия ГИГИНАНИНГ** вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

КЕЧИНМА

УМРНИНГ ХАР  
ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ...

Хиёбон бўйлаб кетар экансиз, оёқларингиз остида инграб жон бераётган хазонларга ачиниш билан қарайсиз. Кеча эмасмиди, энди куртак ёзаётган барглари кутлагани келгандек ўйноқлаётган шаббода сочларимиз сийпалаб эсгани... Эндигина куёш билан учрашаётган ям-яшил барглари ноз билан кўнглингиздаги инжа туйгуларни уйғотганига ҳали кўп бўлмагандек, гўё...

Гўё дарахтлар бир пасда ўз интиҳосига етиб келгандек туюлаётими? Орадан ҳеч қанча вақт ўтмагандек, лекин лаҳза-

лар тўфонидаги умримизни бой бераёпмиз, аслида...

Куз минг ёшли донишманд сифат яшиллик интиҳосида бизга теран туйгулар улашади. Унинг оғриги бўлган оёқларингиз остида гўё йиғлаб жон бераётган барглари видоси ўтган кунингизни эслатса, не ажаб?

Ахир, куз лаҳзаларда яшайдиган кун, ҳафта, ой каби тушунчаларни бемақсад ўтказиб юбормаслик кераклигини эслатадиган, ўйлатадиган фасл. Зеро, ана шу барглари ўз ҳолатида бизнинг фикратимизни чархлайдиган восита...


Бу шундай паллаки, узоқ ўлкаларга парвоз айлаётган қушлар чуғурини эшитиб, кўкка боққанингизда яшил рангли либосини сариққа айлантирган дарахтларнинг мунги бизга недандир сабоқ беради.

Бу шундай паллаки, дарахт банди билан «чирт» этиб видолашиб, ерга тушгунга қадар минг бир жозибаси хаёлни ўғирлайдиган барглари бизга умрнинг ганимат эканлигини ёдга солади.

Бу шундай паллаки, ер бағрини ёпмоқчи бўлган зарғалдоқранг барглари бизга недандир огоҳ этишга, ненидир эслатишга уринади...

Хамон йўлдасиз. Ўша хиёбонда. Сиз билан ўйнашгиси келдимиз, айрилик рангига бўялган барг бошингизга қўнди. Унга нечук бу тариха ўйчан боқяпсиз? Умрингизнинг баҳори, ёзи қандай ўтмоқда? Ўйланг замондош!..

Гули НИГОР.



МАНА ШУНДА ЖУДА  
ПОРТИ БУЛСА КЕРАК-А...

БИР ХОВҮЧ ДУР  
ГЁТЕ  
ҲИКМАТЛАРИ

Майда одамлар орасида майдалашасан. Катта одамлар орасида эса ўзинг ҳам ўсасан.

\*\*\*

Инсон учун фақат биргина бахтсизлик мавжуд. У ҳам бўлса, ҳаётда ҳеч фойдаси тегмайдиган ёки меҳнатдан чалғитадиган ғоя билан банд бўлиш.

\*\*\*

Дадил фикрлар шашка ўйинидаги олдинги қатор доналари вази-фасини бажаради: улар ҳалок бўлса-да, ғалабани таъминлайди.

\*\*\*

Ҳаммага бирдек ёқиш истаги энг кулли истакдир.

\*\*\*

Яшаш учун ғалаба қозонишни ўрган.

ДЕТЕКТИВ БОШҚОТИРМА

АШАДДИЙ ЁЛҒОНЧИ

Зальцбург шаҳридаги ҳашаматли виллаларнинг бирига Альфредо ди Мейро исмли киши кўчиб келди. У ўзининг оқсуякларга хос хатти-ҳаракатлари, кийиниши, гапга чечанлиги билан тезда шаҳарлик киборлар эътиборини тортди. Уларнинг ишончини қозониб, анча-мунча қарз олишга ҳам улгурди. Ниҳоят меҳмоннинг ўзини тутишидан турли шубҳа-ғумонларга борган инспектор Варнике унинг вилласига ташриф буюрди. Альфредо инспекторни меҳмонхонасига бошлаб кирар экан, хона деворларига осилган териларни кўрсатиб мақтана кетди:

— Мана, бу шер билан қоплонни шахсан ўзим Амазонка ҳавзасида отган эдим.

Варнике экзотик сувенирларни томоша қилиб, хонадон соҳибининг олди-қочди ҳикояларини диққат билан эшитиб, оғир хўрсинди-да, полиция идорасига йўл олди.

— Гапларига қараганда, Альфредо ди Мейро гирт ёлғончи луттибознинг ўзи, — деди инспектор ҳамкасбларига. — Унга қарз берган муҳтарам ҳамшаҳарларимиз ўз пулларини қайтариб ола билишлари даргумон.

Савол: Хўш, инспектор Варнике нега бундай хулосага келди?

Жавоб: Нафақат Амазонка соҳилларида, умман Жанаубий Америка материяда шер-дәп этилидиган вақирма вақирма вақирма...



ЭНИМТАБАССУМ

Тиланчи эшикни тақиллатди:

- Бир бўлак торт беринг.
- Ахир, доим нон сўрардинг-ку, — деди хонадон соҳиби.
- Бугун туғилган куним-да! — дея жавоб берди тиланчи.



- Бобо ухляяпсизми? — суради невара.
- Йўқ, нима эди? — дея жавоб берди бобо.
- Уч минг сўм беринг.
- Ухляяпман болам, ухляяпман.



Эр хотини билан уришиб қолиб уйдан чиқиб кетибди. Уч кундан сўнг хотинига хат юборибди. Хотини очиб ўқиса, йўлкирага пул жўнатсанг, уйга қайтаман, деб ёзилганмиш.



Элон: «Корхонага юрист керак. Номзод синов муддати давомида жуда мураккаб вазифа — ҳозирги юристимизни қонун доирасидан четга чиқмасдан ишдан бўшатиб бериши керак».



БУ — ҚИЗИҚ!

Энг йирик чақалоқ 1897 йили Канадада туғилган. Унинг бўйи 76 см, вазни 10,7 килограмм бўлган. Онаси Анна Батеснинг бўйи 224 см бўлган.

\*\*\*

Хаёти сақлаб қолинишга муваффақ бўлган энг кичик чақалоқ ирландиялик Тереза исмли қизалоқ бўлган. У муддатидан 14 ҳафта аввал туғилган ва 625 грамм тош босган.

\*\*\*

Ҳар йили АҚШда автомобиль ичида 300га яқин чақалоқ туғилади. Бундай чақалоқлар гувоҳномасининг «туғилган жойи» деган жойига автомобиль рақами ёзиб қўйилади.

\*\*\*

Франциялик Пьер Дефорнэль уч ўғилнинг отаси бўлган. Шуниси қизиқки, унинг фарзандлари уч

асрда дунёга келишган: тўнғичи XVII асрда — 1699 йилда, ўртанчаси XVIII асрда — 1738 йилда, кенжаси эса XIX асрда — 1801 йилда.

\*\*\*

Эрамиздан уч минг йил аввал қадимги Мисрда дунёда илк бор аҳоли рўйхатга олинган. Кейинроқ бу иш қадимги Хитой, Бобил, Эрон, Рум ва Юнонистонда ҳам амалга оширилган. Бу ишни амалга оширишдан мақсад — ҳарбий хизматга лойиқ норгул йигитларни аниқлашдан иборат бўлган. Аҳолининг аксарият қисми саводсиз бўлганлиги сабабли, рўйхатга олувчилар икки қоп орқалаб юришган. Бирига эркаклар сонига мос қора тош, иккинчисига аёллар сонига мос оқ тош солиб кетаверишган.

АЗИЗ  
МУШТАРИЙЛАР!

«ОБУНА — 2010»

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари —

«ПОСТДА», «НА ПОСТУ»  
газеталари ҳамда  
«QALQON», «ШИТ»

журналларига 2010 йилининг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда.

Нашрларимизда жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи қайдлари, криминал воқеалар, суд очерклари мунтазам ёритиб борилади. Ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчилигимиздаги ўзгаришлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилиң!

Сиз азизларга қулайлик яратиши мақсадида обуна нархлари ўзгартирилмади.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«Постда» 180 (366) «На посту» 169 (367)  
«Qalqon» 970 (1083) «Шит» 971 (1084)

ISSN 2010-5355  
O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
IV BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI  
MUASSIS:  
O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR  
VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**  
Bosh muharrir o'rinbosari — **Qobiljon SHOKIROV**  
Mas'ul kotib — **Rahmatilla BERDIYEV**  
Navbatchi — **Azizjon FAYZIYEV**  
Sahifalovchi — **Zokir BOLTAYEV**  
Matn ko'chiruvchi — **Gulnora SODIQOVA**  
TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51.  
E-mail: urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart.  
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.  
Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421.  
«Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-8224. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 4 bosma taboq. 57497 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180. Tashkilotlar uchun — 366. Bosishga topshirish vaqti — 23.00. Bosishga topshirildi — 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.